Библиотека Историческ. ф-та ТашГУ

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

**Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи**

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ 1967 йил 24 ноябрь, жума ◆ № 274 (13.834). ◆ Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН САНОАТЧИЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

●

ҚЎРИҚ ЕР АЗАМАТЛАРИ РАПОРТИ

●

ЧЕТ ЭЛЛИК ДЎСТЛАР — ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНИ

## БАЛЛИ, ИШЧИЛАР СИНФИ

### ◆ Ўзбекистон индустриясининг ғалабаси

Республикамиз саноатининг ишчи-хизматчилари, инженер-техник ходимлари юбилей йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириб, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ва буюмларнинг энг муҳим турларини тайёрлаш бўйича 11 ойлик планни муддатидан илгари — 23 ноябрда бажардилар. Ўзбекистон саноати корхоналарида ҳозир планга қўшимча прокат, қишлоқ хўжалиги машиналари, азот ўғитлари, пахта толаси, тайёр кийим-кечаклар, устки трикотаж, гўшт маҳсулотлари, консервалар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

### ◆ Ташаббускорлар зафари

Ўзбекистон пойтахти саноат корхоналарининг коллективлари беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш ва пролетариатнинг улуғ доҳийси В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан ажойиб ташаббус бошлаган эдилар. Бу борада илк муваффақиятлар қўлга киритилмоқда. Тошкент шаҳар саноат корхоналарининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича 11 ойлик планни муддатидан илгари — 23 ноябрда бажардилар. Ой охиригача топшириққа қўшимча равишда бир неча миллион сўмлик ҳар хил маҳсулотлар тайёрланади.

### ◆ Ўзбекистон лубкорлари маррага етдилар

Ўзбекистонда каноп ўрим-йиғими тамомланди. Давлатга 313 минг тоннадан кўпроқ каноп пояси топширилди. Бу — планда кўрсатилганидан қарийб 50 минг тонна ортиқдир. Каноп етиштириш юзасидан беш йилликнинг охирига мўлжалланган даражадан ўзиб кетилди. 20 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан планда белгиланган 140 центнер ўрнига 156 центнердан луб олинди.

Шунингдек, уруғлик канопни йиғиштириб олиш ҳам тугалланди.

(ЎзТАГ).

# ЧЎЛҚУВАРЛАР ЖАСОРАТИ

**Мирзачўл—дурдоналар диёри. ■ Мамлакат «оқ олтин» хирмони 120 минг тонна қўриқ ер совхозлари пахтаси билан бойиди. ■ Машиналар бункеридан 80 минг тонна пахта тўкилди. Бу бултургига нисбатан қарийб икки баравар кўп демакдир. ■ Мамажон Дадажонов: агрегатда 350 тонна тайёр! ■ Қўриқдаги «Самарқанд» совхози пахтачиликдан пландаги 622 минг сўм ўрнига 1 миллион 270 минг сўм фойда олади.**

## МИРЗАЧЎЛ ПАХТАСИ

Юбилей йили барча совет кишилари сингари Мирзачўл қўриғининг деҳқонлари учун ҳам ижодий кучлар мисли кўрилмаган даражада барқ уриб яшнаган, катта куч-ғайрат билан яратувчилик меҳнати қилинган йил бўлди. Бу меҳнат ажойиб натижалар билан якунланди. 23 ноябрда давлатга пахта сотиш йиллик плани бажарилди. Ватан қўриқ ердаги совхозлардан 120 минг тонна ёки бултургига нисбатан 18 минг тонна кўп «оқ олтин» олди. Қўриқ ер баҳодирлари ўзлари қўлга киритган муваффақиятларни яқинда барча совет кишилари, бутун прогрессив инсоният тантанали равишда нишонлаган Улуғ Октябрнинг шонли 50 йиллигига бағишламоқдалар.

Пахтакорлар жуда катта қийинчиликларни бартараф этиб, кўзланган маррага етиб келдилар. Баҳорда об-ҳаво шароити ноқулай келганлиги туфайли қарийб 12 минг гектар майдонга чигитни қайта экишга, айрим ерларда эса икки марта бузиб уруғ экишга тўғри келди. Кузда тез-тез ёққан ёмғир пахта ва кўрак териш машиналарининг ишини жиддий равишда қийинлаштирди. Шунга қарамай йиғим-терим ишларини механизациялашда катта муваффақиятга эришилди. «Зангори кема»лар билан 80 минг тонна ёки бултургига нисбатан қарийб икки баравар кўп пахта терилди.

Пахтакор районидаги «Самарқанд» совхозининг меҳнаткашлари пахта тайёрлаш плани бажарилганлиги ҳақида қўриқдаги хўжаликлар орасида биринчи бўлиб ғалаба рапорти бердилар. Шу нарса қувончлики, совхоз давлатга сотган 10400 тонна пахтанинг 10100 тоннаси машиналарда териб олинди ва ана шу пахтани теришга мутлақо қўл меҳнати сарфланмади. Совхоз ҳозиргача давлат планини 116 процент бажарди. Пахта териш машиналаридан омилкорлик билан фойдаланиш хўжаликка кўп миқдордаги маблағ ва материалларни иқтисод қилиш имконини берди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда совхоз пахтачилигидан пландаги 622 минг сўм ўрнига 1 миллион 270 минг сўм фойда олади.

Совхозда ҳар бир терим агрегати билан ўртача ҳисобда 80 тоннадан пахта терилди, кўпчилик илғор механик-ҳайдовчилар эса 120-150 тоннадан пахта теришди.

Давлатга 14360 тонна пахта топширган А. Икромов номли, 13523 тонна пахта сотган «Пахтакор», 11200 тонна пахта топширган «Партия XXIII съезди», 10317 тонна пахта топширган «Андижон», 9815 тонна пахта топширган «ВЛКСМ XV йиллиги», 9800 тонна пахта топширган «Фарғона» ва 3950 тонна пахта сотган Усмон Юсупов номли совхозлар пахта тайёрлаш планини муваффақиятли бажардилар.

Қўриқ ердаги совхозларда пахтани машинада теришнинг ажойиб усталари ўсиб етишди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Мамажон Дадажонов «Андижон» совхозида ўз машинаси бункеридан 350 тонна, «Пахтакор» совхозидан Аҳмаджон Валиев 267 тонна, шу совхоздан Асрор Аҳмедов 210 тонна, Герман Титов номли совхоздан Қувондиқ Абдураззоқов 210 тонна пахта тўкдилар. «Самарқанд» совхоздан Муҳаббат Аъзамова, Маҳмуд Нишонов, Эркин Омонлиқов, Акмал Икромов номли совхоздан Оппоғой Рустамова, Волков номли совхоздан Умир Қамбаров ва бошқа кўпчилик пешқадам механик-ҳайдовчилар 150-200 тоннадан пахта теришди.

Бу йил совхозларда 40000 гектардан ортиқ майдонга чигит 90 сантиметрли схема билан кенг қаторлаб экилди ва бу ғўза қатор ораларини ишлаш ва экинни суғоришда меҳнат унумдорлигини 20-30 процент ошириш имконини берди.

Топширилган пахтанинг сифати ўтган йиллардагига нисбатан кескин яхшиланди. 90 минг тонна ёки барча ҳосилнинг 75 проценти биринчи сортларга қабул қилинди.

Эришилган муваффақиятлар партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари олиб борган кенг миқёсдаги ташкилотчилик ва сиёсий ишларнинг, совхозларнинг ишчилари фидокорона қилган меҳнатнинг натижасидир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика ҳукумати, область партия комитети ва область ижроия комитети Мирзачўлдаги қўриқ совхозларининг коллективларига муттасил ёрдам бериб турдилар. Партия ва ҳукумат ғамхўрлик қилганликлари туфайли Мирзачўл қўриғи совет пахтачилигининг йирик районларидан бирига айланмоқда, янги хўжаликларнинг экономикаси тез суръатлар билан мустаҳкамланмоқда. Совхозлар йил сайин кўпроқ миқдорда янги тракторлар, терим машиналари ва бошқа механизмлар, минерал ўғитлар олмоқдалар ва бу Мирзачўлда пахтачиликни янада юксалтириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг барча жараёнларини комплекс механизациялаш учун кенг истиқболлар очиб беряпти.

Қўриқ ер меҳнаткашларига етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олишда Тошкент шаҳридаги олий ва ўрта ўқув юртларининг студентлари, областимиздаги шаҳарлар ва район марказларининг ишчи ҳамда хизматчилари жуда катта ёрдам бердилар. Улар 30 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин»ни тердилар. Бунинг учун пахтакорлар уларга чин юракдан миннатдорчилик билдирмоқдалар.

Гарчи план бажарилган бўлса ҳам, ҳали кўп иш қилиниши керак. Пахтакорлар ҳосилнинг қолган қисмини яқин кунларда тўла йиғиб-териб оладилар ва келгуси йил мўл ҳосилига замин яратиш юзасидан кузги-қишки тадбирларни қизитиб юборадилар. Ҳозир 8 минг гектардан ортиқ пахта майдони ғўзапоядан тозаланди ва шудгор қилиб қўйилди, самолётлар билан минерал ўғит сепиш тугалланмоқда.

Мирзачўл қўриғининг меҳнаткашлари юбилей йилида қўлга киритган муваффақиятларини мустаҳкамлаш ва беш йилликнинг учинчи йили бўлган 1968 йилда пахтачиликни янада юксалтириш, Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш ва беш йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун барча зарур чораларни кўрадилар.

**Э. ИСЛОМОВ,**
Мирзачўлни ўзлаштириш бошқармасининг бошлиғи.

Ўзбекистон қўриғи — Сирдарё областидаги 28- «Самарқанд» совхози давлатга пахта сотиш йиллик планини областда биринчилар қатори бажарди. Тайёрланган 10 минг тонна «оқ олтин»нинг ҳаммаси «зангори кема»ларда териб олинди. Суратда: бўлим бошқарувчиси Х. Нуртоев (ўнгда) мавсумда бункердан 150-160 тоннадан пахта тўкиб, бу муваффақиятга катта ҳисса қўшган илғор механик-ҳайдовчилар Х. Эмбоев, А. Муҳаммадиев ва Ғ. Уринбоев ўртоқлар билан суҳбатлашмоқда.

А. Тўраев фотоси.

## ДЕҲҚОН БЎЛСАНГ ШУДГОР ҚИЛ!

Республика областларида кузги шудгорлашнинг бориши тўғрисида 1967 йил 23 ноябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

| ОБЛАСТЛАР | (Планга нисбатан процент ҳисобида) |
|---|---|
| Тошкент | 40,1 |
| Хоразм | 22,9 |
| Сирдарё | 18,1 |
| Фарғона | 17,2 |
| Самарқанд | 14,7 |
| Бухоро | 13,1 |
| ҚҚ АССР | 12,2 |
| Андижон | 11,5 |
| Қашқадарё | 7,2 |
| Сурхондарё | 6,8 |
| Республика бўйича | 16,8 |

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

### ФАРҒОНА ОБЛАСТЬ «КОММУНА» ГАЗЕТАСИНИ «ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Фарғона области меҳнаткашларини коммунистик руҳда тарбиялаш, уларни хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини бажаришга сафарбар қилиш соҳасидаги самарали иши учун ва биринчи сони босилиб чиққан кунга 50 йил тўлганлиги муносабати билан — «КОММУНА» область газетаси «Ҳурмат белгиси» ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси **Н. ПОДГОРНИЙ.**
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари **М. ГЕОРГАДЗЕ.**

Москва, Кремль. 1967 йил 23 ноябрь.

## 50 Юбилей хирмонига

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 23 ноябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

| Областлар | Бир кунда | Мавсум бошидан буён | Шу жумладан машинада: Бир кунда | Шу жумладан машинада: Мавсум бошидан буён |
|---|---|---|---|---|
| ТОШКЕНТ | 0,12 | 115,99 | 0,03 | 131,73 |
| ХОРАЗМ | 0,31 | 114,17 | 0,47 | 107,47 |
| БУХОРО | 0,15 | 112,42 | 0,17 | 109,64 |
| СУРХОНДАРЁ | 0,19 | 109,17 | 0,09 | 106,67 |
| ҚҚ АССР | 0,36 | 106,77 | 0,18 | 100,70 |
| САМАРҚАНД | 0,14 | 104,98 | 0,05 | 103,98 |
| СИРДАРЁ | 0,22 | 104,38 | 0,10 | 122,14 |
| ФАРҒОНА | 0,15 | 104,30 | 0,01 | 112,19 |
| ҚАШҚАДАРЁ | — | 101,67 | — | 101,92 |
| Андижон | 0,40 | 94,92 | 0,04 | 113,84 |
| РЕСПУБЛИКА БЎЙИЧА: | 0,23 | 104,54 | 0,10 | 113,93 |

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА УЧРАШУВ

Латин Америкасидаги бир қанча мамлакатлар коммунистик ва ишчи партияларининг таниқли арбобларидан бир группаси Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турибди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов 23 ноябрда уларни қабул қилди.

Қабул вақтида Колумбия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Хильберто Виейра, Марказий Комитет ижроия комитети аъзоси Хуан Виан ва Марказий Комитет аъзоси Хосе Кардондан иборат Колумбия Коммунистик партияси делегацияси, Панама Халқ партияси бош секретари Рубен Дарио Согус ва партия раиси Уго Викторидан иборат Панама халқ партияси делегацияси, шунингдек Пуэрто-Рико Меҳнаткашлар озодлиги партиясининг раиси Хуан Сантос Вивер ва Коста-Рика халқ авангарди партияси Марказий Комитети сиёсий комиссиясининг аъзоси Марио Солис ҳозир бўлдилар.

Дўстона суҳбат вақтида Ш. Р. Рашидов меҳмонларни республика партия ташкилотининг фаолияти билан, Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳаётида юз берган ўзгаришлар билан таништирди.

Суҳбатда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов ҳозир бўлдилар.

(ЎзТАГ).

## МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

22 ноябрда Тошкентда Жамоат тартибини сақлаш министрлиги, прокуратура, суд ва юстиция ходимларига, шунингдек республика Социал таъминот министрлиги органлари ва муассасалари ходимларига давлат мукофотлари — СССР орден ва медаллари тантанали вазиятда топширилди.

Ишлаб чиқариш илғорлари ва маданият ходимларидан катта бир группасига Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий Ёрлиқлари топширилди. Бир қанча олимлар, агрономлар, экономистлар, врачлар, ўқитувчилар, юристлар, маданият, савдо ва автотранспорт ходимлари Ўзбекистон ССРнинг Фахрий унвонлари берилганлиги тўғрисидаги ёрлиқларни олдилар.

Мукофотланганлар ўз меҳнатларига юксак баҳо берилганлиги учун партия ва ҳукуматга қизғин миннатдорчилик изҳор қилдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. С. Насриддинова мукофотларни топшира туриб мукофотланган кишиларни самимий табриклади, уларга сиҳат-саломатлик, ишларида янада катта муваффақиятлар тилади. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

### А. ҲАЙДАРОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон экономикаси ва маданиятини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун ва туғилганига 50 йил тўлганлиги муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Андижон область комитетининг биринчи секретари Ашур **Ҳайдаров** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси **Е. НАСРИДДИНОВА.**

Секретарь учун — Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзоси **Ҳ. АСОМОВ.**

1967 йил 22 ноябрь.
Тошкент шаҳри.

ТОШКЕНТЛИКЛАР ТАШАББУСИГА ҚЎШИЛИБ

## ЦЕМЕНТЧИЛАР ЖАВОБИ

Фрунзе номли Қувасой цемент комбинати ишга туширилганига 35 йилдан ошди. Ўзбекистондаги кекса корхоналардан бири бўлган комбинат коллективи шу давр мобайнида катта йўлни босиб ўтди. Корхонанинг техника командирлари ва ишчилари ҳамма вақт техника шинавандалари, янги иш усулларининг ихлосмандлари бўлиб келдилар. Бунинг шарофати рўй-рост кўриниб турибди. Агар 1932 йилда корхона 42 минг тонна цемент тайёрлаган бўлса, бу йил 748 минг тонна маҳсулот тайёрлаб беради.

Ўзбекистон ва Қозоғистон, Туркманистон ва Тожикистон бинокорлари Қувасой цементи келди, дейилса, баракалла дейдиган бўлиб қолишган. Чунки бу цемент қурувчиларни сира доғда қолдирмаган.

Комбинат аҳли қурилишларга цемент билан бир қаторда оҳак тош, гипс ва шифер юбориб туради. Шифернинг ўзидан бу йил 100 миллион плита тайёрланади десак, иш кўлами очиқ-ойдин кўринса керак.

Комбинат аҳли тошкентликлар ташаббусига қўшилиб, йиллик топшириқни 20 декабргача бажаришга аҳд қилди. Гап субути билан деганларидек, цементчилар ҳам ваъдаларига вафо қилмоқдалар. Ўн ойлик топшириқ ортиғи билан бажарилиб, планга қўшимча 20 минг тонна цемент ва бошқа бир талай маҳсулотлар тайёрланди. В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини меҳнат зафарлари билан нишонлашга отланган цементчилар беш йиллик топшириқларини 1970 йилнинг 7 ноябригача бажарадилар. Қувасойлик азамат меҳнаткашларнинг мажбуриятида қуйидаги сўзлар ёзилган: беш йиллик охиригача пландан ташқари 2 миллион 300 минг сўмлик маҳсулот тайёрланади ва сотилади, меҳнат унумдорлиги 27 процент кўтарилади. Неча-неча миллион кубометр газ, анчагина миқдорда электр энергия тежаб қолинади.

Республика қурилиш материаллари саноати корхоналарининг карвонбошиси бўлган Қувасой цемент комбинати коллективи ўз сўзининг устидан чиқади.

**И. АҲМЕТОВ.**

ХОРАЗМЛИКЛАР ИЗИДАН

## МЎЛ ҲОСИЛ ЗАМИНИ

Экин майдонларини кузда юқори сифатли шудгорлаган деҳқон келаси йил мўл ҳосилига мустаҳкам замин яратдим, дея олади. Агротехниканинг бу муҳим тадбири ҳосилдорликни оширишда нақадар катта аҳамиятга молик эканлигини бизнинг хўжалигимиз мисолида яна ҳам яққол кўриш мумкин.

Колхозимиз узоқ йиллар давомида пахта тайёрлаш планини бажара олмади. Ҳосилдорлик пасайиб кетди. Даромад буромадни зўрға қопларди.

Нега ҳосилдорлик кўтарилмаяпти? Бу савол ҳаммани жиддий ўйлантирди. Қўшни колхозлар гектаридан 25-30 центнердан ҳосил олгани ҳолда бизда ҳосилдорлик 20 центнерга ҳам етмади. Ер-сув, ишчи-кучи, механизацияда эса, деярли тафовут йўқ.

Ҳосилдорликнинг кўтарилмаслигига агротехника қоидаларига риоя қилмаслик, айниқса, кузги шудгорга аҳамият бермаслик сабаб эди. Биз ҳамма экин майдонларини шудгорлашга аҳд қилдик. Лекин тракторлар етишмаслиги сабабли бир қисм пахта ери шудгорланмай қолди. Бунинг натижасини келаси йилиёқ кўрдик. Шудгорланган майдонларнинг ҳар гектаридан шудгорланмаган ерларга нисбатан 4,2 центнер кўп пахта олинди.

Бу бизга жуда катта сабоқ бўлди. Кузги шудгорга янада зўр бердик. Аммо ишда сифатга етарли эътибор берилмагани учун кутилган натижага эриша олмадик. Ерини ўғитлаб шудгорлаган бригадаларда ҳосилдорлик 30 центнергача кўтарилди. Бу ишга бефарқ қараган баъзи бригадаларда эса ҳосил 22-23 центнерда қолди. Ўз иш тажрибамизда буни ҳам ҳисобга олдик.

Мана бир неча йилдан буён пахта майдонларини кузда чуқур шудгор қиламиз. Ҳайдов олдидан ерни яхшилаб ўғитлаймиз. Шу сабабли ҳосилдорлик кўтарилиб, пахта тайёрлаш планлари ошириб бажариляпти. Буни юбилей йили якунидан ҳам кўриш мумкин. Бу йил колхозимиз бўйича гектаридан салкам 30 центнердан хирмон кўтариб йиллик планни ошириб бажардик. Бир йилда ҳосилдорлик 5 центнер кўтарилди.

Биз кузги шудгорни қандай ўтказяпмиз? Ер 28-30 сантиметр чуқурликда ҳайдалади. Шудгорлашдан олдин ҳар гектар ерга 8-10 тонна маҳаллий ўғит, 400-500 килограмм фосфорли ўғит солинади. Тупроқ ағдариб ҳайдалади. Ўта шўрланган ерларнинг шўри олдин ювилиб, сўнгра ўғитланади. Бу тадбирнинг амалга оширилишини агрономлар қаттиқ назорат қилиб борадилар.

Ҳосилдорликни оширишнинг муҳим омилларидан яна бири — шўр ювишдир. Биз кузги шудгордан кейин шўр ювишни бошлаймиз. Бу ишга энг тажрибали деҳқонлар бош-қош бўлади. Шўр ювишдан олдин ариқлар тозаланади. Карталарда поллар олиниб кейин сув қуйилади. Ҳар гектар ерга қанча сув қуйилиши, сув неча кун қўллаб туришини мутахассислар белгилаб беради.

Колхозимиз аъзолари Хоразм область қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг чақириғини зўр қизиқиш билан кутиб олдилар. Биз 1968 йил мўл ҳосилига пухта тараддуд кўрмоқдамиз. Ҳозир ғўзапоя йиғиштириб олиняпти. Ҳосили ва ғўзапояси йиғиб олинган пайкаллар ўғитланиб, пешма-пеш шудгорланмоқда. Далаларимизда кечакундуз тракторлар ишлаяпти.

Юбилей йилини яхши якунлаган колхозимиз аъзолари келгуси йил мўл ҳосилига ҳар жиҳатдан пухта тайёргарлик кўрмоқдалар.

**А. ЭРГАШЕВ.**
**Сирдарё районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг раиси.**

# РАҚАМЛАР ҲИКОЯСИ

Республикамизда бир қатор илмий тадқиқот ва лойиҳа институтлари, шунингдек республикалараро аҳамиятга эга бўлган «Средазгипроводхлопок», Ўрта Осиё ирригация илмий тадқиқот институти, Ўрта Осиё машина-синаш станцияси, «Средазирсовхозстрой», Геология ва минерал хомашё институти, Гидрометеорология институти, Бутуниттифоқ йўл қурилиши институтининг филиали, Ўлка медицина институти, Ўрта Осиё қишлоқ хўжалик экономикаси институти, «Гипроторг», «Средазгипропишчепром», «Средазниипроцветмет», Бутуниттифоқ қоракўлчилик илмий тадқиқот институти, СоюзНИХИ, «Цниихпром» каби Бутуниттифоқ аҳамиятига эга бўлган институтлар бор.

20 дан ортиқ илмий тадқиқот институтлари Мирзачўл ва Қарши чўлида текшириш олиб бормоқдалар, ана шу жуда катта массивларни суғориш ҳамда мелиорациялаш лойиҳаларини ишлаб чиқиш билан шуғулланмоқдалар.

* * *

Ирригация қурилишлари қўшни халқларнинг дўстлигини намойиш қилиб кўрсатмоқда. Кўп сонли сув хўжалиги қурилиши объектлари орасида халқларнинг биргаликда куч-ғайрат сарфлаши туфайли вужудга келган ва бир неча қардош республикаларнинг халқ хўжалигига хизмат қилаётган иншоотлар ҳам бор. Чордара, Қайроққум, Каркидон сув омборлари, Озерний ва Дарёлиқ коллекторлари ва бошқа сув хўжалиги иншоотлари шулар жумласидандир. Андижон, Тўхтағул сув омборлари, Вахш-Норак дарёсида олиб борилаётган буюк қурилиш ҳам худди ана шундай республикалараро аҳамиятга эга бўлади.

## Ҳайкал

Андижон область, Москва районидаги Хўжаобод қишлоғидан Улуғ Ватан урушига 600 га яқин йигит кетган эди. Шулардан 264 киши фронтдан қайтиб келмади. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги арафасида Охунбобоев номли колхознинг марказида урушда ҳалок бўлган жангчиларга ёдгорлик ҳайкали ўрнатилди.

Т. НАЗИРОВ.

ТАСС АХБОРОТИ

## «КОСМОС-191» ПАРВОЗДА

Шу йил 21-ноябрда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-191» учирилди. Сунъий йўлдошда ўрнатилган илмий аппаратлар 1962 йил 16 мартда ТАСС эълон қилган программага мувофиқ космик фазони тадқиқ қилишни давом эттиради.

Йўлдош чиқариб қўйилган орбитанинг параметрлари қуйидагича: Ер атрофини дастлабки айланиб чиқиш даври 92.2 минут; Ер юзасидан энг кўп узоқлашган нуқтаси (апогейда) 518 километр; Ер юзасига энг яқин нуқтаси (перигейда) 261 километр; орбитанинг оғиши 71 градус.

Сунъий йўлдошда илмий аппаратлардан ташқари орбита элементларини аниқ ўлчаб берадиган радио система; асбоблар ва илмий аппаратларнинг иши тўғрисидаги маълумотларни Ерга юбориб турадиган радио телеметрик система бор.

Йўлдошда ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координациялаш-ҳисоблаш маркази йўлдошдан олинаётган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.

## ТОШКЕНТ ҚУРИЛИШЛАРИДА

Тошкент меҳнаткашлари қардош бинокорлар ҳимматидан ғоят хурсандлар. Қардош-қондош халқ қурувчилари пойтахтимизда янги муҳташам бинолар тикламоқдалар. Тошкент Шарқнинг машъали, совет Шарқидаги энг обод, кўркам, катта шаҳарлардан бири бўлади. Зилзиладан азият чеккан Тошкент халқига биринчилар қатори Украина бинокорлари ёрдамга келган эдилар. Ҳозир Днепр ёқаларидан келган қурувчилар пойтахтимизда қатор-қатор уйлар, болалар боғча ва яслилари, маданий-маиший объектларни қуриб битказдилар. Шу кунларда ҳам Украина бинокорларининг қўлига тегмайди. Айниқса пардозчиларнинг иши кўп. Юқоридаги суратда: Киев қурилиш-монтаж поездининг пардозчиларидан Г. Михацкая, В. Пророченко, В. Григорьева, Л. Пез, С. Смолькова, ўнгдаги суратда эса Харьков қурилиш поездининг пешқадам пардозчиси М. Нистерчик.

А. Тўраев фотолари.

# СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ БАЁНОТИ

Сўнгги вақтларда Кипрда ва Кипр теварагида аҳвол жиддий кескинлашди.

Маълумки, Кипрдаги грек ва турк аҳолиси аралаш яшайдиган районлардан бирида Кипр миллий гвардияси бўлинмалари билан кипрлик турклар ўртасида шу йил 15 ноябрда юз берган қуролли тўқнашув аҳволнинг шундай кескинлашувига сабаб бўлди. Кипр суверенитетини бузиб, Кипр Республикаси территориясида турган грек қўшинлари ҳам ҳарбий тўқнашувда қатнашди. Греция реакцион милитаристик доираларининг одами бўлган генерал Гривас ана шу қўшинларга ва Кипр миллий гвардиясига бошчилик қилди. Артиллерия ва бошқа қурол турлари ишлатилган уруш ҳаракатлари натижасида кишилар қурбон бўлди, жумладан граждан аҳолидан ўлганлар ҳам бор.

Ҳозирги вақтда Кипрдаги қуролли тўқнашувлар тўхтатилган бўлса-да, аммо бу районда вазият кескинлигича қолмоқда. Кипр Республикасининг суверенитети ва мустақиллигига, Шарқий Ўрта денгиздаги тинчлик ва хавфсизликка таҳдид кучайиб бормоқда.

Грек армияси жанговар тайёр ҳолга келтирилди. Кипр ички ишларига очиқдан-очиқ аралашиш учун баҳона топиш мақсадида Афинадаги реакцион офицерлар сурбетлик билан иғво гаплар тарқатмоқдалар.

Кипрдаги ҳозирги воқеаларга Греция реакцион доираларининг сиёсатидан ажралган ҳолда баҳо бериб бўлмайди. Греция реакцион доиралари ташқи кучлар мададида узоқ вақтлардан бери Кипр проблемасини ҳарбий методлар билан ҳал этилишини кўзда тутувчи «Энозис» яъни Кипрни Грецияга қўшиш йўли билан Кипр давлатининг мустақиллиги ва территориал бутунлигини тугатиш планларини ишлаб чиқмоқдалар. Ҳозирги вақтда Греция тепасида турган ҳарбий доиралар ва уларнинг Кипрдаги агентлари бутун Кипр оролини НАТО ҳарбий базасига айлантиришга, бу мамлакат демократик кучларидан ҳозирги вақтда улар Грециянинг ўзида қўлланаётган жиноятқорона террористик методлар билан ўч олишга ҳаракат қилмоқда.

Кипрдаги аҳволнинг кескинлашиши муносабати билан ўзининг муайян манфаатларини кўзда тутган Туркия ҳукумати бир қанча чораларни кўрди. Туркия қуролли кучлари жанговар тайёр ҳолга келтирилди, Кипрга юбориши эҳтимоли назарда тутилган махсус бўлинмалар тузилмоқда, Туркия ҳарбий кемалари Кипр районида айланиб юрибди.

Мана шуларга қараганда Кипр теварагидаги вазиятнинг кескинлашуви НАТО ҳарбий блоки қатнашчилари ўртасида вужудга келган келишмовчиликларни Кипр халқининг манфаатлари, унинг озодлиги ва мустақиллиги ҳисобига ҳал этишни истаётган доираларнинг планлари билан бевосита алоқадордир. Американинг бу райондаги сиёсатини «тинчлантириш» сиёсати деб тасвирлаётган АҚШнинг расмий доиралари баёноти билан аҳволни кескинлаштиришга ва Кипр давлатининг ички ишларига аралашишга олиб борувчи АҚШ ҳукуматининг амалдаги ҳаракатлари ўртасида бўлган тафовут кўзга яққол ташланади. Кипрда грек офицерлари Америка Қўшма Штатларининг таъсири ва мададисиз иш кўраётганлигига ишонадиган кишилар топилмаса керак. Чунки ҳозирги вақтда Греция бутунлай Америка ҳарбий базаларининг исканжасига тушган.

Совет ҳукумати Кипр районидаги воқеаларнинг боришини диққат билан кузатиб бормоқда. У, бу ҳақда илгари айтганидек, ҳозир ҳам шуни айтиб ўтишни зарур деб ҳисоблайдики, СССР Кипр Республикасининг суверенитети, мустақиллиги ва территориал бутунлиги қўллаб-қувватланишига, Кипрдаги грек ва турк аҳолиси ўртасидаги муносабатларнинг барча масалаларини четдан мутлоқ аралашилмаган ҳолда тинч йўл билан ҳал қилинишига тарафдордир.

Кипр территориясида чет эл қўшинларининг туриши ва ҳарбий базалар жойлаштирилишига келганда шуни айтиш керакки, Совет Иттифоқи бунга изчиллик билан ва ҳамиша қарши чиқиб келмоқда, чунки Кипр территориясида чет эл қўшинларининг туриши, шунингдек бу ерда чет эл ҳарбий базаларининг жойлаштирилиши Кипр суверенитетига ва тинчлик манфаатларига зиддир.

Совет ҳукумати Шарқий Ўрта денгизда тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш манфаатларига амал қилиб, томонларни ўзини тийиб, ақл-идрок билан иш қилишга, кипрлик греклар билан кипрлик турклар ўртасида вужудга келаётган проблемаларни қурол ёрдамида ҳал қилишга уринишдан воз кечишга чақиради.

Кипрдаги ва Кипр теварагидаги кескинликка барҳам бериш масаласини можарони тинч йўл билан бартараф этиш, бутун кипр халқининг суверен ҳуқуқларини ҳимоя қилиш. Хавфсизлик Кенгашининг Кипр юзасидан қабул қилган резолюцияларига қатъий риоя қилиш йўли билан ҳал этиш керак. Маълумки, Хавфсизлик Кенгаши ҳамма томонларни ўзини тийиб, вазиятни ёмонлаштиришга олиб борадиган хатти-ҳаракатлардан воз кечишга қайта-қайта даъват этган эди. Совет ҳукумати оролдаги аҳволнинг янада мураккаблашиб кетишига йўл қўймаслик ва Кипрни қуролли тўқнашувлар майдонига айланишига йўл қўймаслик учун Кипр ҳукумати ҳам кўп ишлар қилиши мумкин, деб ҳисоблайди.

Совет ҳукумати томонлар халқлар олдида юксак масъулият ва ўз бурчини англаганликларини кўрсатадилар, деб ишонади. Чунки Кипр теварагида можаронинг кенгайиши ва айниқса Кипр районида ҳарбий тўқнашувлар юз бериши олдидан кўриш қийин бўлган оқибатларга олиб келиши мумкин.

*Ютуқлар, режалар*

# БИЛИМ ВА ТАРБИЯ

В. И. Ленин ёш авлодни тарбиялашни коммунистик жамият қуриш ишлари билан узвий боғлаб олиб бориш зарурлигини кўрсатган эди. Улуғ доҳий «коммунистик руҳда ўқитиш, таълим ва тарбия беришнинг асоси ҳам шундан иборат. Коммунизмни қандай ўрганиш керак? — деган саволга жавоб ҳам ана шундан иборат», деб ёзган эди. Партиямизнинг ленинчи Марказий Комитети ва Совет давлати ўз фаолиятларида ҳамиша шу доҳиёна йўл-йўриқларга амал қилди. Партия ва ҳукуматимизнинг кўрсатган буюк ғамхўрлиги туфайли мактаблар сони беқиёс ўсди, уларда таълим-тарбия ишлари тобора яхшиланиб борди.

Республикамизда партия ва совет ташкилотлари Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятлари ва анъаналарини ҳисобга олиб, умумий мажбурий таълим қонунини амалга оширишда республика аҳолиси составига кирган турли миллат болаларини ўз она тилларида ўқитишга ҳам катта эътибор бериб келдилар.

Араб алифбеси ўрнига осонроқ лотин алифбеси жорий қилинди. Лотин алифбеси ўз вақтида прогрессив роль ўйнади. Аммо турмуш ўзбек тилига ва СССРдаги бошқа халқлар тилига лотинлаштирилган алифбе эмас, балки рус алифбеси асос бўла олишини кўрсатди. Рус графикасига асосланган янги алифбега кўчиш ўзбек халқининг маданий, ижтимоий ва сиёсий ҳаётида жиддий аҳамиятга эга бўлган воқеа бўлди. Бу тадбир улуғ рус халқи билан ва Иттифоқимиздаги бошқа қардош халқлар билан дўстлигимизнинг мустаҳкамланишига катта ёрдам берди. Ўзбекистонда умумий бошланғич мажбурий таълим қонунини амалга ошириш, янги алифбега ўтиш, хотин-қизларни мактаб ва оқартув муассасаларига жалб этиш педагогик масала бўлиб қолмай, сиёсий проблема ҳам эди.

Ғалабамизнинг кўзгуси бўлган фактларга мурожаат этайлик. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 6787 дан кўпроқ умумий таълим мактаблари бўлиб, уларда 2 миллион 340 мингдан ортиқ ўғил ва қизларимиз таълим олмоқдалар. Ана шу мавжуд мактабларда 50 мингдан ортиқ хотин-қиз ўқитувчи бор. Шу кунларда Ўзбекистонда 39 та олий ўқув юрти бўлиб, уларда 16 мингдан ортиқ илмий ходим ишламоқда. Республикадаги фан докторлари ва кандидатлари орасида мингдан ортиқ хотин-қизлар бор.

В. И. Лениннинг ҳамма вақт халқ маорифи ва мактаб ишини такомиллаштириш, коммунистик тарбия ва унинг методларини яхшилаб бориш ҳақидаги таълимотига асосланиб янги типдаги тарбия муассасалари — мактаб-интернатлар ташкил этилди. Совет халқи бу тадбирни мамнуният билан кутиб олди. Ўтмишда дунёвий илмларнинг ривож топишига черков, дин қаттиқ тўсқинлик қилганлиги, фанни Ватан, халқ манфаатларига хизмат қилдиришга уринган фан донишмандлари қаттиқ таъқиб ва таҳқир қилинганлиги, фан асосан ҳукмрон синфлар манфаатига хизмат қилдирилганлиги, ҳозир ҳам капиталистик мамлакатларда фан ютуқларидан эксплуататорлар ўзларининг бойлик орттириш, меҳнаткаш халқни талаш, инсонни кўплаб қирадиган қуроллар яратиш мақсадида фойдаланаётганликлари, Совет Иттифоқи ва халқ демократияси мамлакатларида эса фан меҳнаткашлар эҳтиёжи учун, жамиятни социалистик асосда қайта қуриш учун хизмат қилдирилаётганлиги дарсда ва дарсдан ташқари вақтларда ёшларимизнинг онгига сингдириб келинмоқда.

Совет фани ва техникасининг қудратли кучини намойиш қилган воқеалар, кишилик тарихида биринчи бўлиб ернинг сунъий йўлдоши ҳамда ичига одам тушган космик кеманинг фазога учирилиши ва «Луна-9» космик станциясининг Ойга юмшоқ қўндирилиши ҳақида батафсил тушунчалар бермоқдамиз. Бизнинг болаларимиз инсон тафаккурининг тобора ривожланиб бораётган асрида яшамоқдалар. Бунинг учун улар автоматика, телемеханика, электроника, кибернетика, атом кучлари, химия, ракета техникаси ва бошқалардан илмий асосда хабардор бўлишлари керак.

Бундан бир неча йил илгари республикамизда педагогика фанлари соҳасида илмий даражаси бўлган кишилар саноқли эди. Ҳозир 100 дан ортиқ фан кандидати, шунингдек фан докторлари ва профессорларимиз бор. Республикамизнинг турли олий мактабларида меҳнат қилаётган илмий педагогик кадрларимиз кейинги 10 йил ичида педагогика фанининг муҳим проблемаларини мактаб, маориф ва олий ўқув юртлари ҳаётига боғлаган ҳолда ҳал этишда кўзга кўринарли ишлар қилмоқдалар. Педагогика тарихи ва назариясига оид ўнлаб илмий-тадқиқот ишлари яратилди. Доцент И. Ҳусанхўжаевнинг «Навоийнинг педагогик қарашлари», доцент З. Миртурсуновнинг «Ҳамза Ҳакимзоданинг педагогик фаолияти», доцент С. Раҳимовнинг «Абу Али ибн Сино тарбия ҳақида», В. Качаровнинг «Халқ маорифи тарихидан» (1865—1917 йиллар) номли монографик асарлари шулар жумласидандир.

Педагогика назарияси ва коммунистик тарбия соҳасида ҳам талай ишлар қилинмоқда. Ўзбек тилида, ҳозирги замон фан ютуқларини ҳисобга олган ҳолда яратилган «Педагогика» дарслигининг иккинчи нашри босмадан чиқарилди. Коммунистик тарбия, коммунистик ахлоқ, дарс ва дарсдан ташқари вақтларда ёшларни социалистик интернационализм, совет ватанпарварлиги руҳида тарбиялаш ва бошқа жуда муҳим темаларда бир қанча китоб, доклад, реферат ва мақолалар нашр этилди.

Доцентлардан А. Ефремовнинг «Тарбия асослари», К. Ҳошимовнинг «Ўқув куни узайтирилган мактабларда таълим-тарбия ишлари» темасидаги монографик китоблари илмий ва назарий жиҳатдан юқори савияда ёзилган асарлардир. Булардан ташқари, профессор П. И. Иванов раҳбарлигидаги Низомий номли педагогика институти психология кафедрасининг олиб бораётган илмий-тадқиқот ишлари муҳим аҳамиятга эгадир.

Мактабгача тарбия педагогика фани ва методикалар соҳасида ҳам муҳим тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шуни ҳам айтиш керакки, ҳали бундай китоблар жуда оз. КПСС Марказий Комитетининг яқинда эълон қилинган «Ижтимоий фанларни янада ривожлантириш ва уларнинг коммунистик қурилишдаги ролини ошириш чоралари тўғрисида»ги қарори яқин йиллар ичида ҳал қилиниши зарур бўлган энг муҳим проблемаларни олдинга сурди.

Педагогик кафедралар олдида бундан буён дарсликлар, хрестоматия, ўқув қуроллари яратиш, таълим-тарбияни такомиллаштириш, ёшларни совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми руҳида тарбиялаш каби қатор муҳим масалалар турибди.

С. РАЖАБОВ,
СССР Педагогика фанлари академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.

## «Правда»чилар газетхонлар билан учрашдилар

22 ноябрда Бирлашган нашриёт клубига «Правда» газетхонлари — Тошкент корхоналари, муассасаларининг ишчилари ва хизматчилари, партия ва совет ташкилотлари, олий ўқув юртлари, мактабларнинг вакиллари йиғилдилар. Бу ерда бўлиб ўтган газетхонлар конференциясида «Правда» редколлегиясининг аъзоси, хатлар бўлимининг мудири А. Я. Блатин ва газетанинг Осиё ва Африка мамлакатлари бўлими бўйича махсус мухбири М. К. Зинович газетанинг иши, унинг келгусидаги планлари тўғрисида гапириб бердилар.

«Таштекстильмаш» заводининг ишчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. И. Орлов, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Х. Х. Ҳошимов, Тўқимачилик комбинатининг ишчиси Н. Греднева ва бошқалар газетхонларнинг «Правда»га нисбатан қизиқиши ўсиб бораётганлиги, юбилей йилида газета саҳифаларида босилган сермазмун материаллар тўғрисида сўзладилар. Улар газетанинг газетхонлар билан алоқасини янада мустаҳкамлашга қаратилган бир қанча таклифлар киритдилар.

(ЎзТАГ).

## *Ливанлик меҳмонлар*

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния назоратининг таклифига биноан бу ерга келган Ливаннинг атоқли дин арбоблари делегацияси Ўзбекистонга қилган сафарини тамомлади. Ливан муфтиси Ҳасан Холид бошчилигидаги делегация аъзолари Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Мирзачўлда бўлдилар.

23 ноябрда ливанлик меҳмонлар Тошкентдан Ленинградга жўнаб кетдилар.

(ЎзТАГ).

# СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ БАЁНОТИ

Грек демократлари таъқиб этилаётганлиги муносабати билан СССР Ташқи ишлар министрлиги 22 ноябрда Греция ҳукуматига Совет ҳукуматининг қуйидаги баёнотини йўллади:

«Грек демократлари таъқиб этилаётганлиги муносабати билан Совет ҳукумати чуқур ташвишга тушаётганлигига Греция ҳукуматининг эътиборини жалб этган эди. Ҳозирги вақтда бутун жаҳон Грецияда оммавий таъқиблар яна ғоят кучайтириб юборилганлигининг шоҳиди бўлиб турибди. Ҳозирги пайтда Афина ва Салоникида грек демократлари устидан ўтказилаётган суд процессларининг ташкилотчилари бу демократлардан жисмоний ўч олинишини талаб қилмоқдалар. Ваҳолонки, бу демократларнинг «айби» ўз халқи ҳуқуқларини ҳимоя қилиб чиқишдан иборат, холос.

Маданий дунё кўз ўнгида ўзини оқлаш учун ҳеч қандай асосга эга бўлмаган грек маъмурларининг бу хуружлари совет халқини ғазаблантирмоқда. Совет жамоатчилиги Грецияда ҳукм сураётган қонунсизлик ва ўзбошимчаликдан, инсонпарварлик элементар принципларининг поймол этилаётганлигидан, инсон ҳуқуқлари умум декларациясида қайд қилинган ва ҳамма эътироф этган нормаларнинг қўпол равишда бузилаётганлигидан ғоят ташвишланмоқда. Ана шу декларацияда Грециянинг ҳам имзоси бор эди.

Совет кишилари, ва бизнинг фикримизча, жаҳондаги барча тинчликсевар ҳамда демократик кучлар ҳозир Грецияда ғоявий муҳолифлардан жисмоний ўч олиш учун қўлланилаётган методларни қаҳр-ғазаб билан рад этадилар.

Совет ҳукумати ана шу ҳис-туйғуларни тамомила қувватлайди ва Греция ҳукуматига мурожаат қилиб, уни ақл-идрок билан иш кўришга ва бундай ҳаракатлардан ўзини тийиб туришга қатъий даъват этади. Совет ҳукумати грек маъмурлари грек демократлари ҳаётига хавф солувчи ҳар қандай ҳаракатлар қилинишига йўл қўймайдилар, деб умид қилади.

СССР ҳукуматининг Греция ички ишларига аралашишга андаккина бўлса ҳам нияти йўқ. СССР ҳукумати шу баёнотни билдирар экан, фақат инсонпарварлик мулоҳазаларигагина амал қилади. Совет Иттифоқи Грециянинг ва грек халқининг дўсти бўлганлиги туфайли шундай баёнотни бермоқда. Совет Иттифоқи мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларга ҳеч нарса доғ туширмаслигига интилади. Греция ҳукумати бу баёнотимизни тўғри тушунади, деган умиддамиз».

# БИРИНЧИ МУАЛЛИМ

ЙИЛЛАР, ОДАМЛАР

Ҳурматли газетхон, мактабни диндан холи қилишга, ёш ниҳолларга дунёвий илмларни ўргатишга интилган, жаҳолат ҳукмронлигидаги зулматда бамисоли нур бўлиб чақнаган биринчи муаллимлар ҳақида кўп бадиий асарлар ўқигансиз. «Фарғона тонг отгунча» трилогиясида Ғуломжоннинг нақадар жафолар чекканини эсланг-а. Баъзан, ҳаётки шундай бўлган деб ишонгингиз келмайди. Яқинда Ғуломжонларнинг прототипини кўришга, ўтмиш ҳақидаги жонли ҳикояларини тинглашга муяссар бўлдик.

Пири-бадавлат, эвали-жували хонадоннинг бошлиқлари — 85 ёшли Хўжахон ота ва 73 ёшли Муаззам ая. Қўни-қўшни, ҳамма маҳаллалари бот-бот бу хонадонга келиб, қўша қариган нуроний отахон ва онахонимизни зиёрат қилиб кетишаркан. Уларнинг ҳаёт йўли билан танишарканиз, чиндан ҳам Муаззам ая ва Хўжахон оталар бундай ҳурматга лойиқ кишилар эканлигига қатъий ишонч ҳосил қиласиз.

— Николай замонасидаги етимликни кўз олдингизга келтира олмайсиз, болам,— дейди онахон.— Буни бошидан кечирган кекса авлод қатори мен жуда яхши биламан. Чунки, ота-онадан тўрт қиз ва бир ўғил етим қолганмиз. Холамиз бизни тарбиясига олди. Камбағал холамнинг бизни ўқитишга қурби етмади. Бир қариндошимиз ўн уч ёшимда мени Марғилондан Қўқонга олиб кетди. Шунга ҳам олтмиш йил бўлибди.

Ўша қариндошнинг исми Аҳмадхон деган киши бўлиб, у замонасининг ўқимишли зиёлиларидан эди. Қизчанинг ўқиш-ёзишга чанқоқлиги, зеҳни тийранлигини кўрган Аҳмадхон ака Бешқовоқ маҳалласидаги татар мактабида халфалик қилаётган ўғли Хўжахонга уни ўқитишни топширади. Ёш қиз ўша пайтда чоп этилган китобларни мутолаа қила бошлади. Муаллима бўлиш орзуси унда ўша вақтда туғилиб қолган экан.

Иболи, сер андиша қизни Аҳмадхон ака ўғлига олиб берди. Қайнота келинининг маҳалладаги қиз-жувонларни ўқитиш орзусига монелик қилмади. Аксинча, бундан хурсанд бўлиб, 1909 йили ташқи ҳовлисида қизлар мактаби очиб берди. Ўша вақтда ҳукм сургани каби бу мактабда «Ҳафтияк» эмас, балки Абдулла Тўқай тузган «Муаллим аввал», «Муаллим соний», «Устод аввал» дарсликлари ўқитиларди. Бу китоблар алифбенинг илк намуналари эди деса бўлади. Янги усул мактабининг довруғи Қўқоннинг бошқа маҳаллаларига ҳам тарқалди. Қуръондан бошқа нарсани ўргатмайдиган эски мактаб талабалари бу ерга илм истаб келаверди. Арава бозоридаги пулсиз мактаб турганида кигиз пули, пайшанбалик ва турли маросимлар учун дастурхонлар талаб қилувчи азобхонага ким борарди дейсиз.

Ҳозир ҳаммамиз ўрганиб қолган парталарнинг илк намунаси ҳам худди шу мактабда дунёга келган бўлса ажаб эмас. Дастлаб олтита парта, чўт столи қўлбола қилиб ясалди. Мисгарлик, Ёғ бозори маҳаллаларидан тортиб, Арғамчи қишлоғидан ҳам қизлар келишди. Таниқли журналист Собира Холдорова, саҳнамиз булбули Ҳалима Носировалар ҳам биринчи ҳарфни замонасининг илғор ва маърифатли кишиси Муаззам аядан ўрганганлар.

Ўша вақтда қоғоз ўрнига тош тахта, тош қалам ишлатишни Хўжахон ака билан Муаззам ая биринчи бўлиб расм қилишган эди. Тўғри, ўқув қуроллари етишмас, ҳар тўрт болага биттадан қалам ва тош тахта бериларди. Ёзилганлар ўчирилиб қайта машқ қилинарди. Бироқ, маърифатпарвар ўқитувчилар оиласининг меҳнат аҳли болаларини илм чашмасидан баҳраманд қилиш орзусига бидъатчи диндорлар гиш-тирноги билан қаршилик қилишди. Хатто Холикжон қози: «Бул ўқитгувчилар мусулмон динидан қайтибдурлар, улар бандаликни бажо келтирганида мусулмон мозорига қўйилмасун» деб фатво чиқарди.

Эҳ-ҳе, отахон билан аянинг бир машаққатлар билан болаларнинг кўзини очгани, зиё тарқатгани ҳақидаги ҳикояларини эшитганингиз сари, ҳайратдан ёқангизни ушлайсиз. Дин тақводорлари, босмачилар машғулот устига бостириб кириб, мактабни бузиб ташлаш, ўқувчилар ва муаллимни калтаклаш ҳоллари неча бор такрорланди. Жаллод Кўршерматнинг ўзи ҳам неча бор дағдаға солиб келган. Лекин ҳеч қандай дўқ ва пўписа маърифат тарқатувчиларни ниятидан қайтаролмади.

Октябрь қуёши меҳнаткашнинг кулбасига нур таратиб, кўнглига чироғ ёқди. Хусусий мактаблар ўрнига янги мактаблар очилди. Муаззам аянинг мактабхонаси асосида олти синфли янги мактабга асос солинди.

Маърифатпарвар бу оила ҳар соҳада халққа йўл кўрсатиб, кўпчилик ҳурматини қозонди. Ер-сув ислоҳоти, паранжини ташлаш, хотин-қизларни ижтимоий ҳаётга қатнаштириш сингари маъракаларда фаол иштирок этди, ўзи намуна бўлди.

Улуғ Ватан уруши. Бошланғич синфларга дарс бериш билан бирга мактаб директори илмий бўлим мудири вазифаларини ҳалол ўтади. Урушнинг оғир дамларида Коммунистик партия сафига ўтиб, коммунист деган юксак номни ҳамиша юқори тутди, покиза сақлади. Жигарбандлари Рашодхон ва Жавдадхонни фронтга оқ фотиҳа бериб жўнатиб, эвакуация қилинган гўдаклардан икки ярим ёшли Элла деган қизни паноҳига олди. Ҳозир Элла беш боланинг онаси. Унинг катта қизи Нодира иккинчи синфда ўқийди. Бувиси билан туради.

Ёш авлодга билим беришдаги беқиёс хизматлари учун Муаззам ая Тўражоновага 1939 йил 23 декабрда Йўлдош Оҳунбобоевнинг имзоси билан «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи» унвони берилади. Шундан саккиз ой ўтмай бу юксак шарафга Хўжахон ота ҳам мушарраф бўлади.

Партия ва ҳукумат биринчи муаллимнинг кўп йиллик хизматларини юксак баҳолаб уни Ленин ордени, «Шавкатли меҳнати учун», «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медаллари билан мукофотлади.

Республикамизнинг энг кекса муаллимларига минг-минглаб шогирдлари қатори биз ҳам қалб ташаккуримизни изҳор этамиз уларга сиҳат саломатлик, узоқ умр тилаймиз.

А. НАБИХЎЖАЕВ.

## Қишлоқларда газ

Бухоро воҳасида қишлоқларни газлаштириш жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Областда салкам 80 минг хонадон, юзлаб ишлаб чиқариш объектлари газлаштирилди.

11-«Ўзбекгаз» тресги қурилиш монтаж бошқармасининг коллективи узоқ қишлоқларни газлаштиришга алоҳида эътибор бераётир. «Когон», «Нарпай», «Ромитан» совхозларининг меҳнаткашлари ҳам табиий газдан фойдаланмоқдалар.

Т. НАЗИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

## Кўчаларга янги ном

● Каттақўрғон шаҳар ижроия комитети шаҳардаги Зирабулоқ кўчасини собиқ ички ишлар халқ комиссари Абдулла Ёрмуҳаммедов номи билан, Вокзальная кўчасини эса республикамизда Совет ҳокимиятини барпо этишда фаол иштирокчилардан Дўстмуҳаммад Устабоев номи билан аташ ҳақида қарор қабул қилди.

М. ҚОБУЛОВ.

ҚУДРАТИМИЗ — ДЎСТЛИКДА

# ЁН ҚЎШНИМ, ЖОН ҚЎШНИМ...

БУХОРО. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Бухоро область меҳнаткашлари қардош-жондош қўшни туркман халқи билан азалдан ўзаро ҳамкорлик қилиб келадилар. Улар 1963 йили биргаликда Аму-Қоракўл каналини қазишди. Эндиликда бу дўстлик канали иккала халқ манфаатлари йўлида хизмат қилаётир. Туркманистон ССРнинг Чоржўй, Фароб районлари хўжаликлари Аму-Қоракўл каналининг зилол сувидан фойдаланиб, экин майдонларини бир неча минг гектарга кенгайтирдилар. Юбилей йилида пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил кўтардилар.

1965 йили ўзбек ва туркман мутахассисларининг режаси асосида Навоий-Чоржўй юқори вольтли электр линиясининг дастлабки қисми ишга туширилган эди. Ушандан буён Туркманистон ССРнинг Фароб, Чоржўй ва бошқа районлари Навоий ГРЭСи нуридан баҳраманд бўлиб келарди. Юбилей йилида бу қардошлик электр линиясининг иккинчи навбати ҳам ишга туширилди. Шу кунларда қўшни республиканинг Амударё соҳилидаги бир талай колхоз, совхозларининг хонадонларини Навоий ГРЭСининг нури чароғон қилиб турибди.

Яқинда қардош халқ вакиллари яна бир қувончли воқеанинг шоҳиди бўлдилар. Бухоро областининг Қоракўл районида кучли ретрансляция станцияси қурилди. Туркманистон меҳнаткашлари Тошкент телеэшиттиришларини кўра бошладилар. Ҳозирги кунда ретрансляция станцияси нормал ишлаб турибди.

Халқимизда ён қўшним-жон қўшним, деган ҳикматли гап бор. Бухоро область йўл қурилиш бошқармасининг қурувчилари қардош-жондош қўшни туркман биродарларига яна бир янгилик армуғон этишди. Салкам 40 километрли Қоракўл-Фароб йўли қурилиб, фойдаланишга берилди. Йўл қурилишида иккала миллат вакиллари қўлни-қўлга бериб меҳнат қилдилар.

Т. НАЗИРОВ.

Марғилон ипак комбинатининг газламалари чет элларга ҳам чиқарилмоқда. Тўқимачилар маҳсулот сифатини йил сайин яхшиламоқдалар. Ҳозир корхона аҳли тошкентликлар ташаббусига қўшилиб, беш йиллик планни муддатидан илгари бажаришга бел боғлади. Суратда: корхона пешқадамларидан технолог А. Пигай ва мастер М. Мадумаров ўртоқлар.

В. Сиротнин фотоси.

АКМАЛ ПЎЛАТ

## ПАРТИЯМГА АССАЛОМ

Шонли улуғ партиям,
Ўзинг қўшиқ, мадҳиям.
Коммунизм пок ғоям,
Шундай қалбим садоси.

Сени дейди кенг жаҳон,
Озодлик севган инсон,
Минг йиллар бўлгин омон,
Ўзинг меҳрим гиёси.

Сен билан Ватан обод,
Яшнар гўзал, ҳур ҳаёт,
Халқлар бахтли, қўнгли шод,
Сўзинг дилим зиёси.

Ленин қўйган сенга ном,
Зафарга бошла мудом,
Сенга олқиш, ассалом
Жоним Ватан фидоси.

Ўзинг шонли байроқдор,
Ҳар ишда бўлдинг илғор,
Чўлга келтирдинг баҳор,
Улкам аълар сараси.

Рус, қозоқ, тожик, ўзбек,
Яқиндир қошу-кўздек,
Мустаҳкам қатъий дўстлик
Завқли кунлар палласи.

Яша Советлар халқи,
Қуёшдай яшна, балқи,
Денгиздек жўш ур, қалқи,
Зафар халқим елласи.

* * *

Коммунистик партиям
Қирқ йил ман қучоғингда
Меҳнат қилиб яйрайман
Сен яшнатган боғингда.

Оддий солдатман сенга,
Фахр тўла юрагим.
Бурчимни адо этиш
Қасамёдим, тилагим.

Шонли улуғ партиям,
Ўзинг қўшиқ мадҳиям,
Коммунизм пок ғоям
Шундай қалбим садоси.

# БЕШ ЙИЛЛИК ОДИМЛАРИ

### БАЛИҚЧИЛАР ҒАЛАБАСИ

Тошкент шаҳри аҳолисига балиқ етказиб берувчи Дамачи балиқчилари республика балиқчилик хўжаликлари орасида биринчи бўлиб, йиллик планни муддатидан илгари адо этдилар.

Балиқчилардан Н. Мадумаров ва Р. Раимовлар юбилей йили балиқ овлаш мусобақасида ғолиб чиқдилар. Улар ҳовузларнинг ҳар гектаридан 16 центнердан балиқ овлаб, хўжаликда энг юксак даражага эришдилар.

### ҚАНДОЛАТЧИЛАР СОВҒАСИ

Тошкентдаги «Ўртоқ» фабрикаси қандолатчилари юбилей йилида ўнлаб янги номдаги ширинликлар ишлаб чиқардилар. Корхона коллективи пландан ташқари 100 тоннадан кўпроқ маҳсулот тайёрлаб, социалистик мажбуриятни беш баравар ошириб бажарди. Қандолатчиларимиз маҳсулоти бу йил Туркиянинг Измир шаҳрида ўтказилган халқаро ярмаркада ва Бухарест виставкасида намойиш қилинди...

### ЯНГИ ЭЛЕКТР ЛИНИЯЛАРИ

Нукусдан хушхабар олинди: 30 километр узунликдаги юқори вольтли электр линиясидан «Майбё» шоликорлик совхозига Тахиатош ГРЭСининг энергияси етиб келди.

31 километр узунликдаги бошқа бир электр узатиш линияси ихтисослашган «Равшан» совхозига ўтказилмоқда. Бу билан Қорақалпоғистон АССРда ташкил қилинаётган 9 та шоликор совхозининг ҳаммасини электрлаштириш тугалланади.

### СТАНОКЛАР, МАШИНАЛАР

Самаркандда республика улгуржи ярмаркаси очилди. Ярмаркада станоклар, машиналар, электр приборлари, технология ускуналари, химикатлар, кабель, тўқимачилик материаллари ва бошқа материаллар реализация қилинмоқда.

## ҚОРАКЎЛНИНГ ЯНГИ СОРТИ

ШЕРОБОД. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Гагарин номли давлат наслчилик заводининг коллективи Бутуниттифоқ қоракўлчилик илмий-тадқиқот институтининг ходимлари билан ҳамкорликда қоракўл сур териларининг янги сортини яратдилар. Бу янги тур қоракўлга «Жанубий Ўзбекистон қоракўли» номи берилди. Янги сорт сур терилар халқаро ким ошди савдосида жуда юксак баҳо олди.

Наслчилик заводининг чорвадорлари бу йил давлатга ана шу оч кўк рангли янги сорт теридан 8 мингта етказиб бердилар.

Махсус отарларда ҳозир 12 минг бошдан кўпроқ совлиқ боқиляпти. Янги йил баҳорида гагаринчилар 10 мингтадан зиёд янги сорт сур тери олишни мўлжалламоқдалар.

А. ХАЛИЛОВ.

ЁЗУВЧИЛАР ПАХТА ДАЛАЛАРИДА

# ЎТ ЮРАКЛАР

Машинада Каттақўрғон шаҳридан чиқиб «Зарафшон» тош йўлида бир оз юрганингиздан кейин Нарпай райони бошланади. Агар йўл ёқасидаги «Хуш келибсиз Нарпайга!» деган ёзувга кўзингиз тушмаса бир район еридан бошқа район ерига кирганингизни пайқамай ҳам қоласиз. У ёқда ҳам, бу ёқда ҳам пахта далалари; колхоз, колхозчиларнинг турар жойлари, мактаб бинолари, машина-трактор парклари, боғлар — деярли бир хил манзара. Бу манзарани Фарғона водийсида ҳам, Сурхондарёда ҳам, узоқ Хоразмда ҳам учратиш мумкин. Лекин Нарпай районининг, бошқа пахтакор районлардан фарқ қиладиган томонлари бор.

Бошқарма бошлиғи ўртоқ Баҳриддин Жамолиддинов ҳузурида ўринбосар, бош агроном, бош зоотехник, ташкилий бўлим мудири тўпланишиб, ўтган куннинг якуни, бугунги иш режасини тузишаётган экан.

— ...Йигирма минг гектар ер буғдой экиш учун шудгор қилинди, — деди бош агроном.

— Демак яна тўрт минг гектар қолибди. Икки-уч кун ичида тугаллангглар, — Жамолиддинов блокнотига ёзиб қўйди. — Шоли, маккажўхори топшириш-чи?

Гап пахта, чорва устида кетади. Қарноб совхозидаги аҳвол, қишга тайёргарлик, ем-хашак жамғариш ташвиши ҳамма ўтирганларнинг чеҳрасига кўланка ташлаб ўтади.

Соат беш минути кам ўн бирда Ленин номидаги колхоз клубига етиб бордик. Бу ерга Нарпайнинг донгдор хўжалик ходимлари, машҳур пахта усталари тўпланишган. Ана, ҳовуз бўйидаги қатортол тагида миллионер «Самарқанд» колхозининг раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдулазиз ака Оллоёров ҳамсоялари даврасида чақчақлашиб турибди.

Улардан нарироқда Охунбобоев номли колхознинг раиси-катта оиланинг онахони Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Зулайхо Норқулова, район партия комитетининг биринчи секретари Эломон Эшқувватов билан суҳбатлашиб турибди. У нимадир сўраётганга ўхшайди. Зулайхо Норқуловани «Йўқ ердан ундиради» — деб кулишади бошқа раислар.

Яна улар: «Агар Зулайхонинг ўрнида бошқа одам бўлса, сув етказолмай пахтасини қуритиб олган бўларди», — деб унинг чайирлигига қойил қолишади. Ахир Охунбобоев номидаги колхоз ери Нарпай ариғининг деярли этагида-да!

Лекин сув масаласига келганда бошқа колхозларга ҳам осон тутиб бўлмайди. Пастдарғом районидаги колхоз раисларидан бири куни кеча «Нарпайнинг суви билан биз пахта етиштира олмаймиз», — деб тан берди-да! Ёдимда, ўтган йили Нарпайга келганимда «Коммунизм» колхозининг раиси Шамси Назаровни қидириб Нарпай канали бўйидан топган эдим. У сув қоровули Сафар ака томонга энгаш қоқиб: «Пайғамбарни зиёрат қилгани келган эдим», — деган эди. Сафар ака ҳам ҳозиржавоб, чечангина киши экан: «Ўртоқ Назаровга менинг пайғамбарлигим фақат бир ярим ойлик, кейин сигиримга бир қоп сомон сўраб борганимда қайрилиб ҳам қарамайди», — деб ҳазиллашган эди.

Сув танқислигига қарамай Нарпай пахтакорлари мислсиз жонбозлик кўрсатишиб, мўл ҳосил етиштиришди. Шунинг учун ҳам улар областда байроқдор бўлиб, бу йил ҳам илғорликни қўлдан беришмади.

Ўртоқ Эшқувватов қилинган ва қилинмаган ишлар ҳақида гапирганида, бир факт диққатимни тортди:

Район бўйича пахтанинг асосий қисми машинада терилди. (Қўл билан, асосан, уруғлик учун ажратилган карталар-у, машина киролмайдиган бўлак-бўлтак ерлардаги пахтагина терилди).

Кўчма қизил байроқ топшириш тантанасида ва кейинча дала айланганимда Нарпайни бошқа пахтакор районлардан ажратиб турадиган яна бир фарқи аён бўлди. Бу — теримда бирорта ҳам ҳашарчининг йўқлиги! «Машина турганда нима қилдик шаҳарликларни овора қилиб!» дейди Эломон Эшқувватов.

Қани энди областда, бутун республикада шундай бўлса!

Район партия комитетининг кенгайтирилган бюросига тўпланганлар Кўчма қизил байроқ топшириш тантанаси тугагач, Ленин номидаги колхознинг Бобоқул Ботиров бошлиқ бригадаси ерларига қараб жўнашди.

Мен ҳам бордим. Асфальт йўлдан анча ичкарида катта ариқ бўйида тўхтадик.

Ариқнинг у бетидаги пахта билан бу бетидаги пахта ўртасидаги фарқ нотаниш кўзга ҳам яққол ташланади. Ғўзапоялари йирик, бўйдор. Қуёш нурини тўйиб шимирган — тўқ қўнғир. Пахтаси машинада териб олинган дейишди. Аммо ҳали пахта сероб.

— Сўз Бобоқулга, — дейди Эломон Эшқувватов.

— Ўзларинг кўриб турибсизлар, — Бобоқул жилмайиб пахта даласига қаради. Унинг қуёшда қорайган қотма, юмалоқ юзини, кўзлари атрофини сон-саноқсиз ажин қоплади. Бу ажинлар ойлар, йиллар давомида қишу ёз, куну тун елиб-югуриб қилинган муборак меҳнат нишонларидир.

— Илгари ҳам пахта экардик бу ерга. Байнаги, ўт босиб кетарди. Вилт ҳам кўп қийратарди. Узоғи билан йигирма тўққиз центнердан хирмон кўтарганман. Бу йил бўлса биринчи машина теримида йигирма центнердан тўндик, ҳали ҳосил бор.

Атрофда турганлар «бор», «кўп» деб тасдиқлашди.

— ...Байнаги, кенг қаторлаб экишда гап кўп экан.

«Кенг қаторлаб экишда гап кўп»лигини бошқарманинг бош агрономи ўртоқ Махнев тўпланганларга ҳижжалаб тушунтириб берди.

Эгатлар оралиғи тўқсон сантиметрдан бўлгандан кейин ғўзанинг тагигача офтоб тегади. Шамол бемалол айланади. Сон-саноқсиз ўқ ариқлар тортилмай шундай суғорилаверилади, сув босмайди, сув етмай қолиб кетадиган ери ҳам бўлмайди. Чуқур ишлаш имконияти туғилади — пахтанинг томири қирқилмайди. Натижада вилт касали ҳам бўлмайди. Кўчат тағи қотмайди. Умуман культивация қилиш, машинада териш осонлашади.

Киров колхозига ўтдим. Бошқа пахтакор колхозлардан нимаси билан фарқ қилади бу колхоз, деб сўрарсиз? Мақтаса мақтагудек томонлари бор. Биринчидан кўп йиллар давомида давлатга ўттиз центнердан ошириб пахта сотиб келгани учун область партия комитети ва область ижроия комитетининг доимий қизил байроғини олган. Яна ўнкунликда йиллик планнинг ўттиз тўрт процент миқдорида, яъни давлатга бир минг йигирма тонна пахта сотгани учун иккинчи Кўчма қизил байроқ ҳам бугун шу колхозга топширилди. Учинчидан колхоз республикада биринчилар қаторида ўз шаҳарчасини қураётибди!

Тасаввур қилиб кўринг-а: тўғри асфальт йўллар; икки четида бетон қопланган ариқчаларда шилдираб оқиб ўтган зилол сув; шамолда шовуллаб турган дарахтлар; ҳар бир хонадоннинг олдида боғчаси... Уйнинг биринчи қаватида чорхари меҳмонхона, табиий газ плитали ошхона, ҳаммом... Юқори қаватда болалар, катталар хонаси. Кабинет. Боққа қараган кенг кўшки. Шаҳарчада ҳар бири бир юз қирқ болага мўлжалланган тўртта боғча ва ясли, олти юз қирқ болага мўлжалланган тўрт қаватли ўрта мактаб, саккиз юз ўринли зали билан маданият саройи, ёзги клуб, стадион, спорт зали. Бутун шаҳарчани иситадиган ва иссиқ сув билан таъминлайдиган қудратли ўчоқбоши ҳам қурилаётибди. Колхоз идораси савдо-сотиқ маркази, аҳолига маиший хизмат қилиш корхоналари, тиббий ёрдам пункти, истироҳат боғи, канализация, водопровод — бари бўлади.

Худди шундай шаҳарча «Коммунизм» колхозида ҳам қурилаётибди. Қурилиш майдонининг атрофидаги кенг карталарда пахта териш машиналари сузиб юрибди. Гўё улар, мана бизда тиним йўқ, сизларнинг ишингиз нега суст, деб қурувчиларга таъна қилаётгандай туюлади.

Раис Шамси Назаров пахта териш машиналари томонга ишора қилиб:

— Олди билан янги уйлар уларга тегади, — дейди.

«Коммунизм» колхози республикада биринчи бўлиб пахтани машиналарда теришга кўчган хўжаликлардан.

Ўтган йилги тўрт минг икки юз тонна пахтанинг деярли уч минг тоннаси (етмиш проценти) машиналар билан териб олинди.

Колхозда меҳнат деярли механизациялашгани учун ҳам бултур ҳар бир колхозчининг ўртача ойлиги бир юз ўн саккиз сўмдан, бир иш кунининг қиммати эса беш сўму йигирма тўрт тийиндан тушди.

— Бу йил колхозчининг ўртача ойлиги юз эллик сўмдан тўғри келса керак, — дейди раис.

Раиснинг тахминида жон борга ўхшайди. Ҳа, бунга ишончимиз комил...

Суннатилла АНОРБОЕВ.

## ЎЗБЕКИСТОН ШАХМАТ ФЕСТИВАЛИДА

«Пахтакор» стадионидаги республика Марказий шахмат клуби шу кунларда жуда гавжум. Ўзбекистон биринчи шахмат фестивалининг эркаклар ва аёллар турнирида ҳам биринчи 3 ўрин учун кескин кураш бормоқда.

Айниқса беш имкониятдан беш очко олган самарқандлик Виктор Воронов, тўрт очко олган Горшков, олмалиқлик ака-ука мастерликка номзод Аъзамовлар, қўқонлик Хан ажойиб маҳоратларини кўз-кўз қилмоқдалар. Булар ёшларга хос жўшқинлик билан фақат комбинациялар қилиш билан чегараланаётганлари йўқ, балки чуқур стратегик режаларни ишонч билан амалга оширмоқдалар. Ўйинни зўр маҳорат билан ниҳоясига етказмоқдалар. Зотан, бу фазилатларга эга бўлмай туриб катта мусобақаларда муваффақият калитини излаб топиш қийин.

Мусобақанинг ярмидан сўнг эркаклар турнирида Воронов, Горшков, Мухин, Трофимов, Харламов, Надеждин, Хан, Десятов, Аъзамов, Разваляев, аёллар турнирида эса халқаро мастер Валентина Борисенко, етук биринчи разрядлилар Лариса Пинчук, Роза Портон, Захарова, Надежда Шевцова, Вихарева, самарқандлик Шарипова, қашқадарёлик Куперова пешқадам бўлиб олишди.

СССР биринчилиги учун курашиш ҳуқуқини берувчи биринчи уч ўрин ва кўнгилли спорт жамиятлари союзлари, газета редакциялари таъсис этган махсус мукофотлар ўз эгаларини кутмоқда. Булар яқин кунларда аниқланади. 90 кишини жалб этган фестиваль мусобақалари кутганимиздан зиёдроқ уюшқоқлик, қизғин ва кескин тусда ўтмоқда.

М. МУҲИДДИНОВ,
Ўзбекистон шахмат федерациясининг раиси.

# ТЎЙ МУБОРАК

УЙҒУН, Назир САФАРОВ.

Раҳимахон эллик ёшга кирдилар. Бу ажойиб жўшқин қалб эгаси «Аврора» садолари янграган кунларда дунёга келди. Раҳима асрий зулм-зулматга зарба берилган, янги давр қуёши чарақлаган кунларда туғилди. Раҳимахонлар тақдири Октябрь яратган янги дунё тақдирига чамбарчас боғланиб кетди. Улар улуғ Ленин имзо чеккан олий ҳуқуқдан тўла фойдаландилар, баҳраманд бўлдилар. Улуғ партия уларга бахт-саодат, маърифат ва нурли келажакнинг эшикларини очиб берди.

Ўтмишда ҳартарафлама жафо чеккан, камситилган, хўрланган, сотилган мушфиқ аёллар инқилоб яратган озодлик натижасида қуллик занжирларини парчалаб ташлади ҳамда қандай куч, қандай қудрат ва қандай истеъдодга эга эканликларини бутун дунё олдида намойиш қилдилар.

Совет даврида илм-маърифат ривож топди, аёллар орасидан агрономлар, давлат арбоблари, олимлар, инженер ва врачлар, маърифат ходимлари, коллектив хўжалик саркардалари етишиб чиқдилар. Ана шуларнинг бири Раҳимахон Исломова эди.

Биринчилар қаторида паранжи ташлаган, Ленин комсомолига кирган, биринчилар қаторида эски урф-одатларга, хурофотга, синфий душманларга, озодлик ёвларига қарши аёвсиз ўт очган, янги дунё, янги турмуш, бахтли ҳаёт учун жанг қилган илғор, жанговар аёллар орасида Раҳимахон ҳам бор эди.

Муштумзўрларни тугатган, қишлоқни ҳаромхўр ва эксплуататорлардан тозалаган, колхоз тузган, уни мустаҳкамлаш-ривожлантиришда жонбозлик кўрсатган мардамайдонлар, ўт юрак комсомоллар қаторида Раҳимахон ҳам бор эди.

Бу оташқалаб аёл оддий колхозчидан то колхоз раҳбари даражасигача кўтарилди. Деҳқон қизи колхозга, халқ ишига меҳр қўйди, бутун кучини, қобилиятини, билимини, имкониятини, юрак ўтини, ақл-идрокини партия ишига, халқ ишига бағишлади. У шу ишлари, садоқати билан халқ ҳурматини қозонди, обрў топди ва давлатимизнинг юксак мукофотлари, олий унвонларига сазовор бўлди. Раҳимахон Исломовага Социалистик Меҳнат Қаҳрамони олий унвони берилди.

Раҳимахон Исломова кўп йиллардан бери Каттақўрғон районидаги Крупская номли машҳур колхозда раислик лавозимида хизмат қилиб келмоқда. Бу колхоз унинг раҳбарлигида йилдан-йилга ривож топди, бойиди, маданияти ўсди, мактаблар, клуб, идора, ясли, янги уй-жойлар, боғлар бунёдга келди. Колхозда йил сайин ҳосилдорлик ошиб борди, механизация ривож топди, оғир меҳнат талаб қиладиган ишлар енгиллашди.

Колхозда бутун республикага донги кетган ўнлаб пахта, чорва, пилла усталари етишди, булар орасида Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, қўш-қўш орден олганлар бор.

Колхоз инқилобимизнинг ярим асрлик улуғ тўйига совға қилиб, бутун план ва мажбуриятларини тўла-тўкис бажарди. Тўй-тўйга уланиб кетди. Колхозчилар, район меҳнаткашлари, донгдор пахта устаси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, улкан жамоат арбоби, чиниққан коммунист, ўзбек халқининг истеъдодли, садоқатли қизи Раҳима Исломованинг 50 ёшга тўлишини, меҳнат фаолиятининг 35 йиллигини нишонлайдилар. Биз шу улуғ айём кунларида ҳормас-толмас, бутун куч-қувватини халқ ишига, партия ишига бағишлаган қадрдон Раҳимахонга, сиҳат-саломатлик, битмас-туганмас қувват, шахсий ҳаётида бахт-саодат, янгидан-янги улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Табаррук тўйингиз муборак бўлсин муҳтарам, азиз Раҳимахон!

1967 йил 21 ноябрь.

Суратда: ўртоқ Р. Исломова.
А. Кузьменко фотоси.

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

# ТАБАРРУК ШОФЁР

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган одам олим ҳам, шифокор ҳам, жаҳонга довруғ солган киши ҳам эмас. Аммо уни бутун Тошкент, барча тошкентликлар билади, десак муболаға бўлмас. Бу одам Эски шаҳарни ҳам Янги шаҳарни ҳам кўрган. Наинки уни кўрган, Тошкентнинг барча кўчаларини кечаю кундуз айланиб чиққан.

Шофёр халқи адрес топишга жуда корафта бўлади. Ҳожиакбар Аҳмадхўжаев ҳам ана шундай кишилардан. У ҳозир 64 ёшда. Шунча йиллар умр кўриб бутун Тошкент кўчаларини машинада неча юзлаб бор айланиб чиққаникин? Буни ҳозирча ҳисоблаб ўтиришга ҳожат йўқ. Фақат Ҳожиакбар аканинг табарруклиги ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Табаррук деса арзигулик. Тошкентдан чиққан дастлабки ўзбек шофёрларидан бири. Дастлаб трамвай кондуктори бўлиб ишлаган ва сал кейин трамвай ҳайдаган. Ўттизинчи йилларда шофёрликка ҳам минг чиғириқдан ўтказиб — танлаб, саралаб қабул қилинарди. Трамвайда ишлаб юрган Ҳожиакбар акага шофёрлик курсида ўқишни таклиф қилишди. Шофёрлик курсини муваффақият билан тамомлади.

Шундан буён қанча сувлар оқиб ўтди. Ҳожиакбар ака эса машина кабинасида ўтириб қанчадан-қанча кўчаларни айланди, минглаб километр йўл босди. Кекса ҳамкасблари билан ҳамсуҳбат бўлсангиз, у Тошкентга қай хилдаги енгил машиналар келган бўлса, шуларнинг барча хилини бошқарган, ана шу йиллар мобайнида кўплаб шогирдлар тайёрлаганлигини мароқ билан таъкидлашади.

Ҳожиакбар Аҳмадхўжаев пенсия ёшида бўлса ҳам ҳозирги йўлларга ҳаваси келганиданми, севган касбини тарк этишга кўзи қиймаганиданми — ҳар қалай, шу кеча-кундузда ҳам жуда муҳим топшириқни бажармоқда. У почта материалларини ташийдиган машинани бошқариб, қадрдон шаҳри аҳолисини янгиликлардан тез хабардор бўлиб туришидек муҳим ишга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Уни яқинда кўчада пиёда кетаётганда учратдик. Ғизиллаб кетма-кет ўтиб турган турли маркадаги автомашиналарга завқ билан боқади. Унинг ёнидан ўтиб кетган шофёрларнинг кўпчилиги сигнал беришади. Бу — шофёрларнинг саломлашгани. Шаҳардаги барча ҳамкасблари Ҳожиакбар акани ҳурмат қилишади. Кекса шофёр бўлганлиги учунгина эмас, касбини ардоқлашда, тажрибаларни ўртоқлашишда, ёшларга меҳрибонликда ибрат бўлаётганлиги учун иззат қилишади.

Суратда: кекса шофер Ҳожиакбар Аҳмадхўжаев.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг Ҳожиакбар Аҳмадхўжаев ўттизинчи йилларда олган гувоҳномасига сира доғ туширмаган. Шаҳарда талони тешилмаган энг яхши шофёрлардан бири мана шу киши. «Аварясиз ишлаганлиги учун» значоги унинг бутун фаолияти давомида намунали меҳнат қилганлигини кўз-кўз этади. «Аълочи шофёрга» деган ҳужжати кўплаб ёш шофёрларнинг ҳавасини келтиради.

Ҳозир ҳам Ҳожиакбар ана бардам. Ўз касбини ардоқлаб ишда ҳар жиҳатдан намуна кўрсатмоқда. Ўзи ишлаётган коллективда ҳам, оиласида ҳам табаррук одам. Ишдан қайтганида уни уйида 12 набираси қуршаб олади. Бири ҳуқуқшунос бўлмоқчи, бошқаси инженерлик сирларини ўрганмоқда. Лекин табаррук шофёрнинг оиласида унинг касбини эгаллашга ҳавасманд бўлганлар ҳам жуда кўп. Унинг қайси бири Ҳожиакбар бувасининг ўрнини босишини келажак кўрсатади.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ.

Тинчлик учун курашчиларга озодлик берилсин

Чикаго кўчаларида негрлар билан полициячилар тўқнашуви

Фарзанд кўриш — 1300 доллар туради

ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

# ДУНЁ ХАРИТАСИ ОЛДИДА

## ТИНЧЛИКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ СОВЕТ КОМИТЕТИНИНГ НОРОЗИЛИК ТЕЛЕГРАММАСИ

**Тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитети Греция бош министри Коллиасга норозилик телеграммаси юбориб, унда грек демократларини террор ва таъқиб қилиш давом этаётганлиги муносабати билан чуқур ташвишга тушаётганлигини ва ғазабланаётганлигини изҳор қилди.**

**Афина ва Салоникида Эллада ватанпарварлари устидан олиб борилаётган ҳарбий судлар, дейилади телеграммада, мамлакатни ўз қўлига олган ҳарбий хунта демократик ҳаракатни ва халқ норозилигини бостириш учун энг оғир чораларни кўраётганлигини яна бир марта исботламоқда. Тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитети Грециядаги фашистлар террори қурбонлари билан ўзининг бирдам эканлигини билдириб, террорнинг тўхтатилишини ва турмаларда азоб чекаётган барча демократлар ва тинчлик учун курашчиларнинг дарҳол озод этилишини яна қатъий талаб қилди.**

(ТАСС).

## «Сафар муваффақиятли бўлди»

**ДЕҲЛИ, 22 ноябрь. (ТАСС). Ўзбек артистларининг Ҳиндистонга қилган сафари тугашига бағишланган матбуот конференциясида делегация бошлиғи, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Р. Сахибоев бундай деди: «Ўзбекистон маданияти арбоблари делегациясининг Ҳиндистон бўйлаб қилган сафари жуда муваффақиятли ва фойдали бўлди. Биз ҳинд халқининг Ўзбекистон халқига муҳаббатини, унинг санъатига бўлган муҳаббатини ҳис этдик».**

**Делегация Ҳиндистон—Совет маданий алоқа жамиятининг таклифига биноан, мамлакатда Улуғ Октябрь революциясининг 50 йиллигига бағишланиб ўтказиладиган тадбирларда қатнашиш учун Ҳиндистонга борган эди.**

**Ўзбек артистлари уч ҳафта мобайнида Деҳли, Калькутта, Бомбей, Амрицар, Патиал ва бошқа шаҳарларда концертлар қўйиб бердилар.**

## НЕГРЛАР ҒАЛАЁНИ

**НЬЮ-ЙОРК. Чикагонинг негрлар яшайдиган маҳаллалари нотинч. Юзлаб полициячилар 22 ноябрда шаҳарнинг ана шу районлари кўчаларида соқчилик қилиб турди.**

**Яқинда шаҳарнинг ғарби-шимолий ва жанубий қисмидаги негрлар геттосида полиция билан негр ёшлари ўртасида шиддатли тўқнашув юз берди. Бир қанча жойларда отишмалар бўлди, 12 киши ярадор қилинди. 220 га яқин киши қамоққа олинди.**

**«Энглвуд» ўрта мактабининг маъмурияти негр ўқитувчи дарсдан ташқари вақтда ўқувчиларга америкалик негрларнинг тарихи тўғрисида гапириб берганлиги учун уни бошқа мактабга «ишга кўчириш»га қарор қилганлиги негр ёшларининг ғалаёнига сабаб бўлди.**

**(ТАСС).**

## ХИТОЙДАГИ ВОҚЕАЛАР

Мао Цзэ-дун авантюристик йўлининг тарафдорлари билан мухолифлари ўртасидаги қаттиқ кураш Хитойнинг кўпгина районларида давом этмоқда. Масалан, Хунань вилоятидаги «ғалаёнлар» тўғрисида «Хунань жибао» газетаси кейинги вақтларда кўп марталаб ёзди. Ҳозир газета, шу вилоятда иш олиб бораётган группалар «раис Мао бошчилигидаги пролетар штабини қўпоришга ва парчалаб юборишга уринаётир» деб эътироф қилмоқда. Газетанинг бош мақоласида, Мао Цзэдун мухолифлари билан кураш олиб бориш «кечиктириб бўлмайдиган жанговар вазифа» деб таъкидланмоқда. Вилоятдаги ҳозирги вазиятни «Хунань жибао» газетаси «кескин ва мураккаб вазифа» деб атамоқда.

Бу ерда ҳанузгача «янги ҳокимият» ташкил этилмаганлигининг сабаби ҳам шу бўлса керак. Ҳозирча вилоятда «революцион комитет» деб аталган комитетни тузиши лозим бўлган тайёргарлик группаси ишлаб турибди. Шу группанинг раҳбари Хуа Го-фэн яқинда ўтказилган митингда гапириб, вилоятда бўладиган кураш «хунвэйбинлар учун янги синов бўлади» деди.

Мао Цзэ-дун тарафдорлари ўз мухолифларидан ўч олаётганлари тўғрисида турли районлардан хабарлар келиб турибди. 20 ноябрда Цзянси вилоятининг радиоси «маданий революция»га путур етказишда айбланган яна 12 киши устидан Наньчанда (вилоятнинг бош шаҳрида) ҳукм чиқарилганлигини хабар қилди. Ундан олдинроқ «Цзянси жибао» газетаси, «маданий революция»ни ўтказиш йўлида «қаршилик кўрсатаётган турли кучлар» учраб турибди, деб ёзган эди. Аммо газета бу кучлар қандайлигини аниқ айтгани йўқ. Бироқ, Цзянси вилоятининг «революцион комитети» деб аталган комитет эълон қилган «ошиғич билдириш» вилоятда вужудга келган аҳвол тўғрисида бир мунча тасаввур олишга имкон беради.

Шу ҳужжатдан маълум бўлишича, Мао Цзэ-дун йўли тарафдорларининг аҳволини хунвэйбинлар ва цзаофанларнинг турли группалари анархистларча қилаётган ҳаракатлар чатоқлаштириб юбормоқда. «Ошиғич билдириш»да, жумладан шу нарса кўрсатиб ўтилганки, мазкур группалар «ўзбошимчалик қилмоқдалар, бирбирлари билан тўқнашиб тартибсизлик ва шов-шув туғдирмоқдалар». Яна шу ҳужжатда, хунвэйбинлар ва цзаофанларнинг ҳаракатлари «ишлаб чиқаришга ёмон таъсир қилмоқда, шунингдек ўқув юртларида машғулотларни бошлаб юборишга ҳалақит бермоқда», дейилади.

Хитой мактабларида ва олий ўқув юртларида машғулотларни янгидан бошлаб юбориш учун белгиланган муддатлар гарчи ўтиб кетганига анча вақт бўлган бўлса ҳам хунвэйбинларнинг баъзи группалари ўқув юртларига қайтиб келмасдан ҳали ҳам мамлакатда изғиб юриб, Мао Цзэ-дун идеяларини ўтказишдан иборат бебошликлар қилишни давом эттирмоқда.

Газеталарда босилган хабарларда айтилишича, кўпгина районларда бошланғич ва ўрта мактаб таълимининг «янги системаси» жорий қилинмоқда. Бу ислоҳот Мао Цзэ-дун «идеяларини ўрганиш» ва ҳарбий тайёргарлик учун ажратилган ўқиш вақтини кўпайтиришдан иборат бўлмоқда. Шу билан бир вақтда ўқишнинг умумий муддати қисқартирилмоқда ва имтиҳонлар олиш бекор қилинмоқда. Мактабларда ислоҳот ўтказишни контроль қилишни қуролли кучлар амалга оширмоқда.

Яқинда «Жэнминь жибао» газетаси «муаллимлар билан ўқувчилар ўртасида янги муносабатлар» ўрнатилаётир, деб ёзди. Бунинг учун Цаочанди мактаби ўрнак қилиб кўрсатилмоқда. Бу мактабда армия вакиллари хунвэйбинлар узоқ вақтдан бери таҳқирлаб келган муаллимларни шу хунвэйбинлар билан «яраштиришга» уринмоқдалар. «Жэнминь жибао» газетаси «муаллимнинг шахсий обрўйини кўтариш учун қилинган уринишларнинг ҳаммаси ҳеч бир натижа бермайди» деб ақл ўргатмоқда. «Бирдан-бир тўғри йўл шуки, деб таъкидлайди газета, Мао Цзэ-дун идеяларининг мутлоқ обрўйини барқарор қилиш керак».

Газеталарнинг хабарларида айтилишича, машғулотларни қайта бошлашдан олдин мактабларнинг раҳбарлари ва педагоглар «Мао Цзэ-дун идеяларини ўрганиш курслари»да таълим олишлари ва «ревизионизмни оммавий танқид қилиш»дан ўтишлари мутлақо шарт. Синьхуа агентлигининг ёзишига қараганда, «маориф соҳасида Ревизионистик идеяларни» танқид қилиш ақлий тарбияга ҳаддан ташқари кўп эътибор беришни, ўқувчиларга баҳолар қўйишга ва навбатдаги синфга муваффақиятли ўтишга ҳаддан ташқари кўп эътибор бериш сингари» концепцияларни кескин танқид қилишни ўз ичига олади.

«Мао Цзэ-дун идеялари»ни жорий қилиш курслари қуролли кучлар вакилларининг ҳаракати билан ҳамма жойда ташкил этилмоқда. 15 ноябрда «Жэньминь жибао» газетаси ҳарбий қисмлардан бирининг Хитой Халқ Республикаси фанлар академияси ҳисоблаш техникаси институтига шундай курсларни ташкил этишда «ёрдам берганлиги» тўғрисидаги хабарни босиб чиқарди. Шу газетанинг ўзида 20 ноябрда босилган хабарда айтилишича, Пекин ресторанлари ва меҳмонхоналарида Мао «идеялари»ни ўрганиш курсларини ташкил этишда вужудга келган «қийинчиликларни енгишга армия вакиллари кўмаклашганлар».

(ТАСС, 21 ноябрь).

**Суратларда: Юқорида кулолчилик усталари мусобақалашмоқда. Бундай мусобақа Польшанинг Недзица (Краков воеводлиги) шаҳридаги қадимий қаср ёнида ўтказилди. Унда Янги Торга ва Янги Сач районларининг аҳолиси кулолчилик идишлари ясаш, қўйлар жунини қирқиш, отларни бошқариш, шунингдек ашула айтиш ва танца тушишда беллашдилар. Ўртадаги суратда Хельсинки пристанидаги балиқ бозори ва пастдаги суратда Югославия аквалангчиларининг тадқиқот мақсадида сувга чўкиши тасвирланган.**

**ЦАФ—ТАНЮГ—ТАСС фотолари.**

# СПОРТ ЯНГИЛИКЛАРИ

## БОКСЧИЛАРНИНГ ОЛТИН МЕДАЛИ

Яқинда Венгрия республикасининг пойтахти Будапешт шаҳрида тўққиз мамлакатнинг ёш боксчилари иштирокида «Олимпия умидлари» деб аталган турнир ўтказилди. Бу мусобақаларда СССР терма командасининг составида тошкентлик ёш спортчилар Николай Хромов ва Геннадий Яблоковлар ҳам бор эди. Ҳар иккала боксчи финал мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб, рақиблари устидан ғалаба қозонишга муяссар бўлиб олтин медаль билан тақдирландилар.

## КУБОК ЭГАЛАРИНИНГ КУБОГИ УЧУН

Футбол чемпионати тугади. Лекин тошкентлик футбол мухлислари учун мусобақалар тамом бўлгани йўқ. Улар эртага Марказий «Пахтакор» стадионида яна бир улкан футбол учрашувининг гувоҳи бўладилар. СССР футбол Федерацияси Чехословакия футбол Федерацияси билан келишиб, Кубок эгаларининг кубоги учун мусобақаларда муваффақиятли қатнашаётган «Спартак» (Трнава) — «Торпедо» (Москва) командаларининг учрашувини Тошкентда ўтказилишига розилик берди.

## МЕДАЛЛАР ТАҚДИРИ ҲАЛ БЎЛДИ

Мамлакат биринчилиги мусобақалари ниҳоясига етай деб қолди. Олий футбол лигасида қатнашаётган командалар ўз ўйинларини тамомлаб айримлари халқаро мусобақаларда куч синаш учун чет элларга жўнаб кетишди. Ўтган турдаёқ футбол бўйича 1967 йил чемпиони маълум бўлди. Бу ўтган йил, СССР кубоги ва мамлакат чемпионлиги унвонини қўлга киритган Киевнинг «Динамо» командаси футболчиларидир. Киевлик футболчиларга олтин, иккинчи ўринни эгаллаган Москванинг «Динамо» командаси спортчиларига эса кумуш медаллар топширилади. Бронза медали учинчи ўринни олган Тбилиси шаҳрининг «Динамо» коллективига берилади. Футбол бўйича мамлакат чемпионатида фахрли ўринларни эгаллаган командалар футболчиларини ва уларнинг тренерлари В. Маслов, К. Бесков ва В. Соловьевларни катта муваффақият билан табриклаймиз.

## ОЛИЙ ЛИГАДА ЯНА БИР «ДИНАМО»

Олий лигадан тушиб кетадиган «Зенит» (Ленинград) командаси ўрнига чиқиш учун даъвогарлик қилаётган Кировободнинг «Динамо» ва «Шахтёр» (Қарағанда) командалари ўртасида «Пахтакор» стадионида бўлиб ўтган матч, келаси йили кучлилар сафида беллашадиган командани аниқлаб берди. Бу Кировобод шаҳрининг «Динамо» командасидир. Озарбайжонлик футболчилар кончиларни 1:0 ҳисобида ютиб, олий лигада қатнашиш учун йўлланмани қўлга киритдилар. Динамочиларга ғалаба келтирган ягона тўпни рақиблар дарвозасига талантли спортчи Муритов киритди.

**П. ГАДОЕВ.**

# РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Ўзбек классик куйлари, 9.30 — Фортепьяно пьесалари, 9.50 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун (конц.), 10.10 — Эстрада қўшиқлари, 11.15 — «Сиҳат-саломатлик» (радиожурнал), 11.35 — Енгил куйлар, 12.15 — Спорт, 12.30 — «Антар» (музикали очерк), 13.30 — Концерт (қардош республикалар халқ артистлари ижросида), 17.00 — «Ўзбекистон композиторлари асарларида меҳнат темаси» (суҳбатли концерт), 18.00 — «Правда» газетасининг обзори, 18.10 — Грузия қўшиқлари ва рақслари, 18.40 — Музикали танаффус, 19.20 — Озарбайжон куйлари, 20.00 — «Рентабеллик асосида» (рус.), 20.10 — Опереттлардан парчалар, 20.45 — Сиёсий билимлар радиоуниверситети, 21.00 — Концерт (қишлоқ хўжалик ходимлари учун), 21.55 — Саломатлик ҳақида, 22.10 — Рақс куйлари, 22.40 — Шу куннинг ҳикоялари, 23.20 — Концерт (қишлоқ хўжалик ходимлари талабларига мувофиқ).

# ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 17.55 — **Эшиттиришлар программаси**, 18.00 — **Телеянгиликлар**, 18.20 — **Ёш куч** (мактаб ўқувчилари учун спорт программаси).

Рус тилида: 19.00 — Юбилей йили премьераси. М. Ашрафий. **Шоир қалби** (А. Навоий номли академик Катта театрининг спектакли олиб кўрсатилади), танаффус вақтида **телеянгиликлар**, спектаклдан сўнг ўзбек тилида **«Кундузги сеансга иккита билет»** бадиий фильм.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.30 — **Тарих. Ленин ва II Интернационал** (мактаб ўқувчилари учун), 18.00 — **Инглиз тилидан тўртинчи машғулот** (студентлар учун), 18.35 — **Чизма геометрия** (студентлар учун).

19.45 дан — **Москва кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17.00 дан — **Олмаота кўрсатади.**

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.45 — **Ёш мичуринчилар** (мактаб ўқувчилари учун), 21.10 — **Тошларни севасизми?** (илмий-оммабоп фильм), 21.30 — **Бадиий фильм.**

# ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 24/XI **да Шоир қалби.**

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/XI **да Парвона.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 24/XI да **Мавлоно Муқимий**, 25/XI **Катта концерт.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Беором юраклар» ёшлар коллективи гастроллари. Айиқлар аттракциони**, ўргатувчи — Владимир Тин. Билетлар сотилмоқда.

# КИНО

**Тушки паром** — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

**Замонамиз қаҳрамони** (кундуз соат 12 да). **Яшил арава** (кундуз ва кечқурун) — «ЧАЙКА».

**Журналист** (1 ва 2-серия) — НАВОИЙ номли (кундуз соат 1-20 ва кеч 6-40 минутда), «МОСКВА» (кундуз 12 ва кеч 8 да).

**Учбурчак** — «ДРУЖБА» (1-залда тоқ соатларда), «МОСКВА» (эрталаб соат 10, кундуз 4 ва кеч 6 да).

**МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА**

**25 ноябрда**

Европа кубок эгаларининг кубоги учун

**«Спартак (Трнава) — «Торпедо»** (Москва) командалари ўртасида.

**ФУТБОЛ**

Кундуз соат 4 да бошланади.

**БИРЛАШГАН НАШРИЁТ**

Чуқур печать бўйича **ретушёр монтажчи, шлифовшчик, нусха кўчирувчи, травильшчик** ва **печатчи мутахассислигига ўқитиш учун** (Москва ва Киев шаҳарларида) **ўрта маълумотли**

**ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.**

Ўқиш муддати 3 ойдан бир йилгача.

Ўқиш вақти ишлаб чиқариш стажига қўшилади.

Ўқувчилар ётоқхона билан таъминланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, кадрлар бўлими.

**«УЗРЕМПРИБОР» ЗАВОДИ**

**Тузатиш, монтаж ўлчов техникасини назорат остига олишга**

**1968 ЙИЛ УЧУН ШАРТНОМА ТУЗАДИ.**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Губкин кўчаси, 1-«а» уй. Телефонлар: Е-6-10-97, Е-6-10-13.

«САРИҚ ИБЛИС» ҚИЕФАСИ

# ДУНЁГА КЕЛИШ НЕЧА СЎМ ТУРАДИ?

Ильф ва Петровнинг «Тоня» ҳикоясини ўқиган бўлсангиз, Костя Говорков — Вашингтондаги совет элчихонасининг оддий бир ходими эсингизда бўлса керак. Америкалик врач уни оддий бир операция қилгач, томоғидаги ярани олиб ташлагани учун ундан 200 доллар талаб қилган эди. Говорков ўғил кўрганда шундай катта пул талаб қилишдики, Костя хуноб бўлиб, бундай деган эди: «Йўқ, бўлмади, профессор Морганни тузатса бўлар экан, болани ҳам шу Морганнинг хотини туғсин. Бу ерда пролетариатга фарзанд кўриш тўғри келмас экан. Бундай шароитда бизга туғиш, туғдириш ҳам тўғри келмас экан...»

Ўша Говорков бошига тушган ташвиш менинг бошимга тушганича йўқ. Мен ҳозирча ундан холисман. Лекин яқинда столим устида кўрсам таъбим хира бўладиган бир «совға» — оила аъзоларининг тишларини кўриндан ўтказган врачдан юборилган огоҳлантириш хати — счет пайдо бўлиб қолди. Яна таъкидлайман, даъволаш эмас, кўрик счёти. Охирида ёзилган суммани айтмайсизми — 175 Америка доллари. Яъни ҳозирги совет пулимизга чаққанда 157 сўм.

Лекин менинг дўстим, «Дейли Мейл» инглиз газетасининг Нью-Йоркдаги мухбири Жеффри Блиснинг бошига тушган ташвишга қараганда меники холва экан. Яқинда у ота бўлди. Бу хабарни эшитиб, дўстимни табриклаган эдим, у хуноб бўлиб менга мана бу воқеани гапириб берди. Энди буёғини эшитинг. Чақалоқнинг туғилиши Блислар оиласини хонавайрон қилишга сал қолибди. Чақалоқ, одатдагидек, касалхонада туғилган. Ўша вақтдан буён бахтиёр отага энг арзон тушгани чақалоқнинг фотосурати экан. Бу фотосурат Блиснинг айтишича, полициячиларнинг фотокарточкаларига ўхшар экан. Бундай фотосуратлар навбатдаги жиноятчини қидириш бошланганидан дарак берилганда АҚШнинг почта биноларига осиб қўйиладиган суратларга ўхшар экан. Фотосуратнинг бир донаси уч доллар 50 цент (беш процент солиғи ҳам қўшиб қўйилган). Хотини туғишидан олдин қони анализ қилинган. Бу 20 долларга тушган. Чақалоқ қонининг группаси аниқлаб берилгани учун отасидан 11 доллар олинди. Оғриқни сездирмайдиган дори-дармон учун ўнбеш доллар тўланган. Ваҳолонки, Жеффрининг қасам ичиб айтишича бунга ҳеч қандай эҳтиёж бўлмаган. Хотини Елисанинг илтимоси билан келтириб беришган бир дона аспирин учун 3 доллар 50 цент олишган. Бизнинг ишимиз ўнгидан келгани ҳали, — дейди менга Жеффри, — хотинимга қон қуюлмади. Нью-Йорк касалхоналарида ярим литр қон учун ўттиз беш доллар олишади.

Чақалоқ туғиладиган хонадан фойдаланганлик учун қирқ доллар. Палатадаги кўрпа-ёстиқ-чойшаб учун... 414 доллар (372 сўм) яъни бир кечаюкундузга 70 доллар. Лекин Жеффри юқорида айтилганларгагина пул сарфлабди, холос деганлар қаттиқ янглишади. Чақалоқни туғдирган доячи ҳам эсдан чиқармаслик керак. Унга алоҳида счёт билан тўланади. Бу ҳисоб — ишонсангиз-ишонмасангиз 500 доллар, яъни 450 сўм. Хуллас калом, лўнда қилиб айтганда, чақалоқнинг бунёдга келиши Жеффри Блис билан унинг хотинига 1300 долларга тушган, яъни 1170 сўм.

Шошманг. Блиснинг тарихини охиригача эшитинг.

— Тайинланган куни хотиним билан чақалоқни олиб кетиш учун касалхонага бордим, — дейди у, — бу ерда ҳам қизиқ бир воқеа бўлди. «Счет бўйича ҳақ тўлайдингизми?» — деб сўради ҳамшира чақалоқни менга бермасдан туриб. «Ҳа, албатта», — деб жавоб бердим мен шошиб-пишиб ва чақалоққа қўлимни чўздим. Лекин ҳамшира айтган жойидан кесадиган аёл экан. Болани қўлимга бермай, мен билан бирга пастга, кассир ёнига тушди. Пул тўланганига ишонч ҳосил қилгандан кейингина «омонат»ни берди.

Жажжи Блиснинг тарихи шундай. Тўғри, касалхона чақалоққа номига ўйинчоқ бўлган совға ҳам берган бўлди. Лекин счётда, нима учундир «совға» дейилган сўзнинг рўпарасига 10 доллар деб ёзиб қўйилган эди. «Мен сизлардан ҳеч қандай совға сўраганим йўқ-ку, — деган Блис. «Қўлингизда турибди-ку бўлди-да», деб жавоб беришди унга.

— Бундан бир неча кун олдин биз шаҳар муниципалитетидан бола туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома олдик, деб тугатди ҳикоясини Жеффри Блис. Конвертда қандайдир бир банкнинг хати ҳам бор экан. Хатда бундай дейилган: «Азиз ота-оналар, болангизнинг маълумот олиши учун ҳозирдан бошлабоқ пул тўплашингиз керак. Шунинг учун бизнинг бонимизни сотиб олинг». Мен уларга жавоб ёзиб, «ҳамён кўтармайди» демоқчиман.

**Генрих БОРОВИК,**

**АПНнинг махсус мухбири.**

**Нью-Йорк, ноябрь.**

# АЖОЙИБОТЛАР

**А**НГЛИЯДАГИ Лютон—Бефордшир шаҳрининг кўчаларига жуда кўп гуллар, дарахтлар экишди. Лекин завод ва фабрикаларнинг трубаларидан, автомашиналардан чиққан тутун натижасида уларнинг ҳаммаси қуриб қолаверди. Шаҳар муниципал совети кўчаларни кўкаламзорлаштириш учун ҳар хил ўсимликларни тажриба учун экгириб кўрди. Шуларнинг орасида тутунга энг чидамли ўсимлик... карам, ҳа, оддий карам бўлиб чиқди. Карам имтиҳондан ўтиб, кўчаларга экила бошлади.

**Н**ИГЕРИЯДА қизил мева берадиган янги ўсимлик топилди. Унинг меваси дунёдаги ҳамма ўсимликларнинг мевасидан ширинроқ. Нимегарларнинг айтишларича, у шакардан 1500 марта, сахариндан 400 марта ширинроқдир. Чет эл олимларининг фикрича, агар бу мева кўп миқдорда етиштириладиган бўлса шакар саноатида катта бурилиш бўлади.

**Ф**РАНКФУРТ — на — Майне шаҳрида бир қалдирғоч ўз тўдасидан ажралиб, иссиқ элларга учиб кета олмай қолган эди. Шаҳардаги парранда ишқибозлари жамиятининг аъзолари испан қирғоқларидан топилган бу қалдирғочга ўз тўдасига бориб қўшилиш учун Франкфурт — Майорка рейси бўйлаб учадиган самолётга билет олиб бердилар.

**М**ИЧИГАН (АҚШ кўли) қирғоғидан 36 ёшга кирган бир балиқчи қуш топилди. Одатда, балиқчи қушлар бундай ёшга етмасдан ҳалок бўлишади. Бу «мўйсафид» балиқчи қуш ўн йил аввал Атлантик океанининг қирғоғида бўлганида америкалик бир орнитолог уни ушлаб, оёғига ҳалқа тақиб қўйган экан. Қуш океандан Мичиган кўлига учиб келган бўлса керак.

«НЕДЕЛЯ»дан.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС ВА ТЕЛЕФОНЛАР: ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 26 Редактор — B36545. Редактор ўринбосарлари — B37914. B39323. Масъул секретарь — B34445. Масъул секретарь ўринбосарлари — B37283. Партия турмуши — B33469. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш, халқаро ҳаёт — B31216. Коммунистик тарбия — B31455. Саноат капитал қурилиш ва транспорт — B34780. Совет қурилиши — B33258. Қишлоқ хўжалиги — B37604. Адабиёт ва санъат — B32038. B37221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — B34451. Маҳаллий ахборот ва спорт — B32347. Оммавий ишлар ва хатлар — B38679. B33553. Иллюстрация — B34524. Стенографистка — B37343. Корректура — B37152. Эълонлар — B38142. Коммутатор — B30249. B30250. B30251. B30252. B30253. B30254. B30255. B30256. B30257. B30258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: Андижон 48—85. Бухоро 31—41. Карши (нефть разведкаси коммутатори орқали қўшимча) 84. Нукус 42—62. Самарқанд 31—972. Термиз 23—27. Фарғона 41—88. Урганч 34—55.

№ А — 274. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64633. Р. 15062.